

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Тасвир

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ № 53 — 54

(2590 — 2591)

1993 йил

9 ИЮЛЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

БУГУНГИ СОНДА:

3-БЕТ.

ҚИРГУЛИНИНГ “ПОСБОН”И БОР

Туманда ҳоким
қарори билан янги
бирлашма тузилди...

4-5-БЕТЛАР.

ОЙНАИ ЖАҲОН КЎРСАТУВЛАРИ 6-БЕТ.

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ЙИГИТЛАР!
Тошкент ёнги хавфсизлиги
муҳандислари куллиётининг би-
тирувчилари ҳақида.

7-БЕТ.

ДОКА РЎМОЛ
ҚУРИМАДИ...
Ғазабга эрк берган
куда-андалар
қисмати ҳақида.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ ҲАЙЪАТИДА

Уюшган жиноятчилик камаймоқда

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳайъатининг навбатдаги мажлисида уюшган жиноятчилик ва порахўрликка қарши ҳужумкор кураш олиб боришнинг аҳволи ҳамда ишни мувофиқлаштириш масаласи кўриб чиқилди. ИИБ Жиноят кидирув бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Ғ. Тошматов маъруза қилди.

Ички ишлар идоралари томонидан республикада криминоген вазиятни яхшилаш бўйича анчагина иш бажарилгани таъкидланди. 1993 йилнинг беш ойи ичидагина республика ҳудудида уюшганлик белгиларига эга бўлган 1031 жиноий гуруҳнинг фаолиятига барҳам берилди. Уларга кирган 2789 киши жиноий жавобгарликка тортилди ёки тортилмоқда. Қамоққа олинганлар орасида жиноятчилар дунёсининг 97 “етақчиси” ва 104 “обруманди” бор. Кўрилатган чоралар жиноятлар миқдорини камайтирди.

Шу билан бирга Ҳайъат ички ишлар идораларининг фаолиятида камчилик ва нуқсонлар мавжудлигини таъкидлади. Ҳайъат вилоят ҳокимликлари ИИБ бошлиқлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вазири ўз ҳудудларида уюшган жиноятчиликка қарши кураш ишига шахсан раҳбарлик қилишини талаб этди, ички ишлар идоралари ва бўлинмаларининг фаолиятига ана шунинг натижаларига қараб баҳо берилишини таъкидлади.

ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ



ЯҚИНДА В. Г. Новиков командирлик қилаётган ҳарбий бўлинма хизматчилари бўлинма ташкил топганлигининг бир йиллигини тантанали нишонладилар. Ушбу сана муносабати билан ўтказилган йиғилишда бўлинма командири В. Новиков ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди. Йиғилишга таклиф этилганлар бўлинма хизматчиларининг юбилей муносабати билан қизғин

табриклади ва оғир, шунинг баробарида шарафли хизматларига ривож тиладилар.

Тантаналарда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички қўшинлар Бошқармаси бошлиғи Х. Ҳожиматов, шу бошқарма бошлиғи ўринбосари Т. Соатов ва бошқалар иштирок этишди.

Е. БОТИРОВ.

Суратларда: тантаналардан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

СУИҚАСД

Қўшработ туманидаги Оқмачит қишлоғида истиқомат қилувчи уй бекаси ўз устидан бензин сепиб ўт қўйиб юборди. Жабрланувчи турли даражадаги тан жароҳати билан касалхонага етказилди. Суиқасд сабаблари аниқланмоқда.

ҚҮЙЛАР ТОПИЛДИ

Сўнгги пайтда нарх-навонинг кескин кўтарилиб кетаётгани текинтомоқларни ҳаром йўлга киришга мажбур этгани ҳеч кимга сир эмас.

Яқинда ана шундай текинтомоқлардан бир гуруҳи Бухоро вилоятининг Қизилтепа туманига юриш қилишиб, Маликчўл давлат хўжалиғи фермаси чўпони, 1934 йилда туғилган Х. Б.нинг 24 бош қўйини ўғирлаб кетди. Бироқ кўп ўтмасдан улар милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Далилий аше — қўйлар эгасига қайтарилди.

ҚОТИЛ УШЛАНДИ

Тошкент нефть ишлаб чиқариш

корхонаси ишчиси — 1960 йилда туғилган Х. Қ. умр йўлдоши билан жанжаллашиб унинг қорнига тепган. Натижада Х. Қ. касалхонада вафот этди. Қотил ушланди.

БОЗОРДАГИ БОСҚИНЧИЛИК

“Нарпай” давлат хўжалиғида яшовчи уй бекаси М. С. Навоий шаҳридаги деҳқон бозорига тушди. Бироқ ҳеч нарса сотиб олишга улгурмади: номаълум шахс унинг қаршида пайдо бўлиб, юзига ҳушдан кетказадиган газ пуркаб, қўлидаги тилла узуги, тилла исирғаси ва 9800 сўм пулини тортиб олди. Ўз вақтида кўрилган чоратadbirlar натижасида бу жиноятни содир этган шахс аниқланиб, қўлга олинди. У Навоий туманидаги С. Раҳимов номи жамоа хўжалиғида яшовчи, 1966 йилда туғилган К. Т. бўлиб чиқди. Унинг устидан жиноий иш кўзгатилади.

ЎҒРИЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

Пахтачи туманидаги Карнабота номи давлат хўжалигининг қушхонасидан тунда номаълум шахслар 33 бош қўй, 10

бош қўзи ва 11 бош эчкиларни ўғирлаб кетишди. Ўғрилар қидирилмоқда.

ЦИСТЕРНАДАГИ ЎҒИРЛИК

Фаргона вилоятининг Охунбобоев бекатидан Урганч темир йўл шохбекатига келтирилган цистернада текширув пайтида умумий қиммати 208 минг 60 сўм бўлган икки тоннаю 60 килограмм “А-76” ёқилгиси камлиги аниқланди. Суриштирув ишлари олиб бориляпти.

ТУЗОҚҚА ИЛИНИШАДИ

Самарқанд Давлат университети киме куллиети декан муовини, 1948 йилда туғилган С. Ш. нинг хонадонига тунда ўғри тушиб, 400 минг сўм миқдордаги мол-мулкни елкалаб кетди. Ўғрилар тузоққа илинишади.

ТАФСИЛОТЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

Наманган туманидаги К. Солиев номи жамоа хўжалиғи ҳудудидан оқиб ўтган ариқдан тахминан 6-7 ойлик номаълум қиз боланинг жасади топилди. Жасаднинг шахси аниқланмоқда, ўлим сабаблари ва

қотили қидирилмоқда.

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД

Сурхондарё вилоятининг Қизирик тумани банки ҳисобчиси 1970 йилда туғилган Б. Ж. уйда ўзини осиб қўйди. Суиқасд сабаблари ўрганилмоқда.

ОМБОРГА ЎТ ТУШДИ

Андижон шаҳридаги Бобур шохқўчасида жойлашган ип-газлама бирлашмасининг омборхонасида тунда қутилмаганда ёнги чикиб, 120 квадрат метр ҳажмидаги майдонда сақланаётган буюмлар ениб қўлга айланди. Ёнги сабаби ва етказилган зарар миқдори аниқланмоқда.

БОСҚИНЧИЛИК

Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзатов туманидаги Комаров кўчасида яшовчи А. У.нинг уйига тунда ниқоб кийган икки шахс бостириб кириб, хонадон бекасига таҳдид қилиб, саккиз минг сўм пул, “Кварц” ва “Слава” қўл соатлари, “Электроника” магнитофонини олиб кетишди. Босқинчиларни тутиш чоралари кўриляпти.

Т. МУРОДОВ.

Шаҳар милициясининг ишлари ва ташвишлари

Хукуқ-тартиботнинг қандай ахволдалиги ва жиноятларнинг очилиши даражаси, табиийки, ички ишлар идораларининг фаолиятига баҳо беришда асосий мезондир. Лекин кўп йиллик тажрибамдан шундай хулосага келдимки, аҳолининг унга бўлган муносабати милициянинг обрўсини белгилайдиган яна бир муҳим мезон ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, шахсий таркибни тайёрлашга, уларнинг ўз хизмат бурчини қандай бажаришларига боғлиқ.

Навоий шаҳри худудида рўйхатга олинаётган жиноятларнинг миқдори доимий равишда камайиб боришидек гоётда барқарор тамойилни таъкидлаш керак.

Ўтган беш ой ичида улар ўтган йилнинг ана шу даври билан таққослаганда 18 фоиз кам бўлганлиги қайд этилди. Зонал принциплари жорий этиш, профилактика ишлари мажмуи, гиехвандликка қарши кенг миқёсда кураш олиб бориш жамоат жойларидаги жиноятчиликни камайтириш имконини берди; шахсий ва давлат мол-мулкни ўғирлаш учдан бир баравар озайди. Балоғатга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик анча камайди. Майда безорилик ва ўғирликлар фактлари, ичкиликка қарши қонунчилик ва йўл ҳаракати қондаларини бузувчиларни аниқлаш ҳамда бундай ҳолларнинг олдини олиш кўрсаткичлари конструктив бўлмоқда. Лекин айтиш керакки, ичкилик ва ўғирликларнинг кўпайиши ва ниҳоятдаги ўғирликларни аниқлаш аҳоли бизни қаноатлантирмайди.

Хизмат ва ижро интизомини мустаҳкамлашни, қонунийликка қаттиқ амал қилишни биз тезкор-хизмат фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг тамал тоши деб биламиз. Бугунги кунда шаҳар милиция бўлимининг бутун шахсий таркиби аниқ ва созланган механизм сифатида ишламоқда деб таъкидлаш тўғри бўлмайди. Ишдаги камчиликлар, ҳато ва муаммоларимиз ҳам оз эмас. Яқинда вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан ўтказилган инспекторлик текшируви ҳам ана шундан гувоҳлик беради. Бугунги кунда жамиятни қамраб олган иллатлар бизни ҳам четда қолдирмади. Ўтган йили шахсий таркибнинг 12 фоизи жазоланди, бунинг устига 9 киши милиция ходими унвонига доғ туширгани учун ишдан бўшатилди. Мазкур йилда 48 ходим жазоланди, уч ходим номатлуб ишлари учун вазифасидан озод этилди.

Кўрсаткичлари паст бўлган ходимлар ва хизматларнинг ҳисоб бериши доимий бўлишига интиляпмиз, хизматлар раҳбарларининг шахсий таркиб олдида ходимлар ҳар бир тоифасининг функционал вазифаларини аниқлаштирувчи ҳисобот беришларини жорий қилипмиз, моддий ёрдам, отпускарлар, хизматда кўтарилиш кўрсаткичлари ва интизомга боғлиқ қилиб қўйилган. Хизмат бурчига ҳалол муносабатни ва яхши натижаларни тақдирлашни унутмаяпмиз. Бўлимда ишлайдиган ҳар тўққиз ходимдан бири тақдирланди.

Кадрларни танлашдаги нуксонлар самарадорлигини пасайтирмоқда. Ҳозиргача бўлим шахсий таркибининг ярми Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида истиқомат қилади. Эндиликда шахсий таркибни шаҳар ва унга туташ жойлар ҳисобига тўлдиришга киришдик. Хизматга танлов асосида қабул қилиш имкониятидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Лекин ҳал қилиниши бизга боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам бор. Қўлда кўтариб юриладиган радиостанциялар жуда оз. Мавжуд транспорт воситалари воқеа юз берган жойга ўз вақтида етиб олишни таъминлаш иконини бермайди.

Бугунги кунда қамоқхоналар ва махсус комендатуралардан қайтиб келаётган кишиларни ишга жойлаштириш имконияти анча мушкуллашди. Кишиларни тўғри йўлга сола оладиган кучли барқарор жамоалар ўрнига бу кишилар шубҳали кооператив ва фирмаларда ўрнашмоқдалар, баъзилари эса умуман ишга кирмаяпти, бу ҳол тақдоран жиноят қилишни анча даражада рағбатлантирмоқда.

Ички муаммоларимиз — шахсий таркибининг ижтимоий мавқеи ҳам ташвишга солмоқда. Болаларнинг мактабгача тарбия муассасасидаги, ётоқхонадаги ҳар бир ўрин — ҳўжалик идоралари раҳбарларининг хайрли иродаси. Ижтимоий масалаларни ҳал қилишда бизга ёрдам бераётган шаҳар ҳокимлигидан миннатдоримиз. Ўй-жой фондини хусусийлаштириш масаласида ходимларимиз бошқа тоифаларга мансуб фуқароларга қараганда катта муаммога тўқнаш келди. Чунки,

уларнинг кўплари хусусийлаштирилмайдиган, хизмат учун бериладиган хоналарда истиқомат қиладилар.

Мени ҳаяжонга солаётган яна бир қанча масалалар хусусида ҳам сўз юритмоқчиман.

Фикримизча, шахсий таркибни хабардор қилиш тизими бирор бир норматив ҳужжат билан мустаҳкамлаб қўйиш хусусида ўйлаш мақсадга мувофиқ бўларди. Сиёсий қўнлар ўтмишда қолди, лекин ахборот қўнларига, шахсий таркиб йигиладиган қўнларга бўлган эҳтиёж, аксинча, алоҳида аҳамият касб этди.

Кўп йиллик тажриба ана шуни кўрсатмоқда, бу объектив заруриятдир. Аниқ объектив ахборотнинг йўқлиги ёлгон ахборотни пайдо қилади. Ташқи ахборот тизимини йўлга қўйишга ҳаракат қилипмиз, бу ҳам ўз натижаларини бермоқда.

Милиция — ҳокимиятнинг кўзгусидир, деган ҳақиқатни эсдан чиқармаган ҳолда ўзимизга четдан туриб — жамоатчилик фикри кўзгусидан туриб қарашга қарор қилдик. Айтиш керакки, социологик сўров ўтказдик, бунда ўз ҳаётини ички ишлар идораларида хизмат қилишга бағишлаган уруш ва меҳнат фахрийларининг фикрлари билан қизиқдик.

Сўраб чиқиш натижалари фикр-мулоҳазалар ва амалий ҳатти-ҳаракатлар учун жиддий озиқ беради, сўралганлардан учдан икки қисмининг шаҳардаги жиноятчилик даражаси ҳақидаги фикри газета материаллари, радио, телевидение кўрсатувлари таъсирида шаклланган. Сўраб чиқилганларнинг чорак қисми жиноятлар миқдори ўтган йил даражасида қолган деган фикр билдирди, 30 фоизи эса жиноятчилик кўпайди деб таъкидлади, сўралганлардан биор киши ҳам жиноятчилик пасайди деган фикрга қўшилмади. Ушбу вазиятда расмий статистика билан жамоатчилик фикри қарама-қарши бўлиб чиқди.

“Милиция ходимлари улар қандай бўлиши тўғрисидаги сизнинг фикрингизга мос тушадими?” деган саволга берилган жавоблар ҳам бир хил бўлмади. Сўралганларнинг 40 фоизи жавоб беришга қийналди, яна шунчаси эса тўлиқ даражада мос келмайди деб таъкидлади.

Фахрийлар кенгаши раҳбарларидан бири бўлган Г. Сулиминнинг жавоби ибратли: “20-30 фоизи тўла мос келади, 60-70 фоизи унчалик мос келмайди, 10 фоизи эса умуман мос келмайди”.

Бу нарсаси жиддий мулоҳаза юритиш учун асос беради, чунки бўлимга келаётган хатларнинг ўндан бир қисми ва раҳбарлик қабулида муҳокама қилинадиган масалаларнинг салкам 15 фоизи ҳам милиция ходимларининг шахсий хислатлари ва ҳулқ-атвори ҳақидадир.

Милиция ходимида хос бўлиши керак бўлган асосий хислатлар сифатида қуйидагилар яқдиллик билан таъкидланди: хизматга садоқат, пок виждон ва ҳалол ишлаш, касбдан омилкорлик, инсонни ҳурмат қилиш, фуқаролар билан муносабатда маданиятчилик, қонунийликка қатъиян амал қилиш.

Сўраб чиқилганлар милиция ходимининг ташқи кўринишига, унинг батартиблиги, ўзини тутishi ва ҳатто бўйига ҳам катта аҳамият бердилар.

Милициянинг фаолиятини яхшилаш йўллари таъкидларкан, сўраб чиқилган фахрийлар республика Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан жиноятчиликка қарши қатъий кураш авж олдирилганини маъқулладилар, барча манфаатдор идоралар ва ташкилотларнинг ёшлар тарбияси ва ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш бобидаги бир бутун яхлит сиёсати ишлаб чиқилишидан катта умид қилдилар, шунингдек йўл қўйилган хукуқ-тартиботни бузишлар учун жавобгарликни кучайтириш ва жазоларни қаттиқлаштиришни тақлиф қилдилар.

Шахсий таркибнинг ҳукуқ соҳасидаги саводхонлиги ва ҳукуқий маданияти, аҳоли ўртасида ҳукуқ-тартиботни кучайтириш иш самарадорлигини оширишнинг ажралмас қисмидир.

Аҳоли билан алоқани мустаҳкамлаш, жамоатчиликни жалб этиш учун фахрийлар ҳокимлик раҳбарлигида кўнгилли халқ дружиналари еки милиция ёрдам кўрсатиш гуруҳларини янги негизда тиклашни, ёшлар патруллари ташкил қилишни, шунингдек амалиётда ўзини

оқлаган турли йўналишлар бўйича ахборот гуруҳларига қайтишни, ҳокимият структуралари ва давлат идоралари раҳбарлари томонидан фуқароларни бевоқифа меҳнат жамоаларида қабул қилишни тақлиф қиладилар.

Сўралган кишиларнинг кўплари милиция идоралари олдида турган вазифаларни ҳал қилишга баҳоли қудрат ёрдам беришга тайёр эканликлари кишига хуш ёқади. Улар орасида Улуғ Ватан уруши иштирокчилари — бир неча йил давомида транспорт милицияси бўлимасига раҳбарлик қилган В.Бочаров ва II-мактабнинг ҳарбий тарих музейи директори К.Валиев ҳам бор.

Катта ҳаётий ва ҳукуқни муҳофаза қилиш идораларида кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган кишиларнинг ҳолис фикри бизга фаолиятимизни яхшилаш борасида энг мақбул йўллари танлашда ёрдам беради.

Яқинда қабул қилинган баъзи бир қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги республика қонуни, фикримча, ҳукуқни муҳофаза қилувчи барча идораларнинг ходимларига катта ёрдам беради. У содир қилинган жиноятлар учун жазолаш тизими инсонпарварлаштириш ҳақидаги узундан-узоқ мунозарага яқин ясади. Маълумки, тарбиянинг самарали воситаси сифатида жазони енгиллаштириш тарафдорлари билан жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқинчида бундай инсонпарварлик аслини олганда жазонинг муқаррарлиги принципининг ўзини обрўсизлаштиради деб ҳисобловчилар ўртасида баҳс борарди. Одилонга ҳушёр реализм галаба қозонди деб ҳисоблайман. Ишончим комилки, ўғрилик, талончилик, қароқчилик учун жазони қаттиқлаштириш конструктив натижалар беради. Қонун иқтисодий жиноятчиликка қарши курашга доир қонунчиликдаги баъзи нуксонларларни йўқ қилди.

Ҳозирги шароитда милиция давлат маҳкамалари структурасида энг ҳимоя қилинмаган структура бўлиб қолди, шунинг учун ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг соғлиги, ҳаёти, ор-номуси ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга қаратилган моддалар бизни қувонтиради.

И.БАТАЛОВА,
Навоий шаҳар ҳокимлиги ИИБ
бошлигининг ўринбосари,
милиция подполковниги.

Хукуқ-тартибот муҳофазаси ишончли қўлларда

— Маҳалладаги ахволни яхши биладиган шу ерлик кишини участка нозир қилиб тайинласа бўладими?

— Дала ҳовлиларидаги сабзавот ва меваларни ўғирлашларга қарши курашда ким бизга ёрдам беради?

— Ўтган йили талон бўйича ҳеч бўлмаганда 200 граммдан сариег берилган эди, бу йил нима қилинади?

— Маҳаллаларда тартибга бош-қош бўлиш мақсадида шаҳар ИИБ қандай чоралар кўрмоқда?

Оҳангарон цемент комбинати

жамоасининг Тошкент вилояти ИИБ, Оҳангарон шаҳар ИИБ ва ҳокимлиги раҳбар ходимлари билан учрашувида ана шу ва бошқа кўпгина саволлар берилди.

Тошкент вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Қ. Назаров йигилганларга республикадаги ва пойтахт вилоятидаги тезкор вазият ҳолати ҳақида ахборот берди. У ўз нутқида асосий эътиборни меҳнат жамоалари ва жамоат тузилмалари ана шу борада ҳал қилишга даъват этилган масалаларга қаратди. Қ. Назаров ҳукуқ-тартиботни бу-

зишга мойил бўлган вояга етмаган ёшлар билан ишлашни шаҳар ИИБ фаолиятидаги энг заиф бўгин деб таъкидлади, зеро ҳукуқ-тартиботга қарши содир этилган ҳатти-ҳаракатларнинг умумий миқдорида улар салмоқли ўринда туради.

Ички ишлар идораларининг ходимлари шаънига бир қанча фикрлар, тақлифлар ва тавсиялар айтилди. Хусусан, бирлашма ходимлари шаҳарнинг марказий қисмида автоулов турадиган жойларни тартибга солиш, милиция ходимлари томонидан бирлашмага ендашган ҳудудни сменалар ўрин алмашган вақтда муҳофаза қилиниш самарадорлигини ошириш, паспорт тартибига риоя қилишни милиция участка нозирлари томонидан назорат қилинишини кучайтириш зарурилиги тўғрисида сўзладилар.

“Цемкомбинат” бирлаш-



масининг бош директори А. Федоров ўзи раҳбарлик қилаётган жамоа шаҳар милиция бўлимига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келаётганини айтиб,

бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишга ишонч билдирди.

Суратда: йигилганлар олдида Қ. Назаров сўзламоқда.

ҚИРГУЛИНИНГ

Бизни Қиргули тумани ички ишлар бўлимига таклиф этишганида «янгилик бор, кўпчиликка манзур бўлади» — дейишди. Вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракатлари билан ички ишлар тизимларида кўпгина хайрли ишлар бошланганлигини, бу ҳаракатлар фуқаролар томонидан қизгин қўллаб-қувватланаётганлигини, бу тизим энг ишчан кадрлар билан тўлдирилиб, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилганлигини, пировард натижада юрда осойишталик барқарор бўлаётганлигига одамлар гувоҳ. Шундай бўлсада «янгилик бор» дейишганида бизга бу гап очиги, озгина бошқароқ туюлди. Туман ички ишлар бўлимига келиб уларнинг ишлари билан танишгач, гумонларимиз

тумандек тарқиди. Бу ташаббус, бу гайрат-шижоатдан мамнун бўлдик. Энди шу хайрли ишнинг бошида турганлардан бири, заҳирадаги милиция подполковниги Тўхтасин ака Турсунов билан танишинг. Тўхтасин ака Фарғонанинг Бешболасидан. Педагогика илмгоҳини тугатиб Акбарободда ишлади. Орадан икки йил ўтказиб, 1965 йил милицияга ишга келди. 1975 йилда эса олий милиция мактабини имтиёзли диплом билан тугатди. Тўхтасин ака милицияда турли лавозимларда меҳнат қилди. Охириги иш жойи Қиргулида, участка вакиллиги бўлди. Вилоятдаги участка вакиллари ичида биринчи бўлиб подполковник унвонини олишга эришди. Кейин — ўтган йилнинг июнь ойида нафақага узатилди.

Тўхтасин ака табиатан кўп ўқиб, кўп мушоада қиладиган инсон. Аҳён-аҳён шеър ҳам ёзиб туради. Унинг учун ишнинг катта-кичиги йўқ. Ҳатто участка вакиллигини ҳам ўзи сўраб олганди. Лекин тан бериш керак, бу ишни қўйилмоқом қилиб бажарди. Қиргулидек оғир нуқтада бундай натижага эришиш ўз-ўзидан бўлавермайди.

Хуллас, Тўхтасин ака нафақага чиқиб кетди. «Кейин нима иш билан шугулланингиз» деб сўраймиз ундан. «Қостини айтаями?», «Албатта». «Китоб ҳам ўқимадим, газет-журналга ҳам қарамадим. Тўйиб ухладим».

Ноябрь ойида эса туман ички ишлар бўлимига, ундан Фарғонага милиция кўни тантаналарига олиб кетишди. Шу ерда у ўзининг собиқ бошлиғи, ҳозирда вилоят ички ишлар бошқармасида бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлаётган Ш. Расулов билан учрашди. Ўтган кунларни эслашди. Сухбат сўнггида Шавкатжон: «Тўхтасин ака, ҳеч нафақадаги одамга ўхшамайсиз, аввалги маслаҳатимизни тикласак», — деб қолди. Келишишди. Эртасига Тўхтасин ака «отдел»га борди...

Энди Қиргули ҳақида икки оғиз гап. Саноат зонаси сифатида барпо этилган бу шаҳарча Фарғонага деярли яхши гап олиб келмади. Негаки, шаҳарчада қурилган йирик саноат корхоналарининг топгани бир тийинигача қолдирилмай марказга суриб кетиларди, шаҳарчанинг ўзи эса карвонсаройдек жойга айланди, бу ерда ким яшайпти, нима қиляпти — биров биров билан қизиқмайди, суриштирмайди. Жиноятчилик, тартиббузарлик тинмай ўсиб бормоқда эди. Хуллас, Қиргули жиноятчилик бўйича қайноқ нуқталардан бирига айланиб қолганди. Бу масала туман ҳокимияти, ички ишлар бўлимини қатъий чоратadbирлар кўришига мажбур қилди. Излаб-излаб имкониятини топишди. Бу ҳақда кейинроқ...

Кўнгилли халқ дружиначилари деган гапни кўп эшитганмиз. Кўпларимиз қўлимизга қизил латта боғлаб кўчага ҳам чиққанмиз ва озгина кўриниш бериб... қочиб қолганмиз. Албатта, бундай гуруҳларнинг тузилишида яхши ният бор эди. Улар ҳуқуқ-тартибот идораларига кўмаклашишга даъват этилган эди. Афсуски, бу масала билан ижроия комитет раислари; райкомнинг иккинчи котиблари шугулланган бўлсалар-да, ният ниятлигича қолиб, деярли ҳеч нарса ўзгармади.

— Халқ дружиначилари ҳақидаги масалалар ижрокўм йиғилишларида неча марта лаб кўрилган, санаб адогига етиш қийин, — дейди Қиргули туман ҳокими В. В. Белоголов. — Навбатчилик барбод бўлганлиги, дружиначиларнинг интизомсизлиги ҳақида гапиравериш оғзимиз толган эди. Шу билан бирга туманда ахвол тобора оғирлашиб бораверди. Милиция ходимларининг ўзлари нима қила оладилар? Демак, жамоатчиликнинг кўмаги ниҳоятда зарур бўлиб қолди. Менимча, керакли йўл топишди.

Депутатлар, ички ишлар ходимларининг ташаббуси билан 1989 йили «Аргус» — кўнгиллилар ассоциацияси тузилди. Улар ҳам халқ дружиначилари услубида иш юритдилар. Унинг аъзолари корхона, ташкилот ишчи-хизматчиларидан

таркиб топди. Ассоциация аъзолари халқ дружиначиларидек бурч ва ҳуқуққа эга бўлдилар. Энг асосийси — уларнинг меҳнати рағбатлантириб борилди. Яъни йшдан бўш вақтларида навбатчиликка чиққан, патрулда бўлган йигитлар меҳнатларига яраша ҳақ олишарди. Ишнинг бундай ташкил этилиши тез орада ўз натижасини берди.

Шундай қилиб, ўтган йилнинг 29 декабрида туман ҳокими «Аргус»ни хўжалик ҳисобидаги «Посбон» бирлашмасига айлантириш ҳақида қарор қабул қилди ва Тўхтасин Турсунов унинг раиси бўлди.

— Нега энди «Посбон»? — деб сўраймиз Тўхтасин акадан.

— Боғбоннинг, сарбоннинг вазифаси шундоқ маълум бўлганидек «Посбон» деган сўзнинг лугавий маъноси ҳам аниқ-қу. Қолаверса, шу ибора ҳаммага маъқул келди.

Дарҳақиқат, «Посбон» ўзининг ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ милицияга жиддий ёрдам бермоқда. Унинг устун томони — хўжалик ҳисобида ишлаши. Туман ҳокимлиги ўз қарамоғидаги «Посбон»ни ўз муҳрига эга, солиқлардан озод ташкилотга айлантирди. Унинг иш фаолияти вақти-вақти билан ҳокимликда кўриб борилади.

Хўш, «Посбон» мустақил фаолият юритиш учун маблағни қаердан олади? Тумандаги корхона, ташкилот, муассасалар ўзида ишловчи бир ходим ҳисобига бир йилда «Посбон»га 50 сўмдан ўтказиб

БОР

берадилар. Албатта, ҳамма ташкилотлар ҳам бугунги иқтисодий қийин даврда «Посбон» билан шартнома туза олмайдилар. Бу ўринда «Ўзнефтқайташ»лаш», «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмалари, иссиқлик электр станцияси, 3-темир-бетон буюмлари заводи, сунъий чарм корхонаси, «Сантехгазмонтаж» бошқармаси, уйсозлик комбинати, «Қиргулисавдо», «Промвентиляция» бошқармаси ва бошқа ҳомиёлар кўмагини алоҳида таъкидлаш керак. Бугунги иқтисодий оқсоқлик ҳаммани режали бўлишга ундаётгани аниқ. Шундай бўлсада, керакли ва хайрли ишга ёрдам қўлини чўзмаслик ҳам инсофдан эмас дейишмоқда улар.

Хўш, «Посбон»га кимлар келишди?

— Ҳозир сафимизда 35 дан ортиқ йигит бор, — дейди Тўхтасин ака. — Уларнинг ҳаммаси обрўли, мулоҳазали, жисмоний бақувват йигитлар. Улар орасида ўқитувчилар ҳам, корхона ишчилари ҳам, «афғончи» жангчилар ҳам бор. Йигитлар 4 гуруҳга бўлинишпти. Ҳар бир гуруҳнинг ўз етакчиси бор. Гуруҳлар бир-бирлари билан доимий алоқада бўладилар. Масалан, улар жиноят қидирув бўлими фаолиятига кўмаклашиб, жиноятчиларни аниқлашда ва ушлашда ёрдам берадилар. Давлат автомобиль назорати бўйича эса йўл ҳаракати қоидаларини бузувчиларга қарши курашда ҳамкорлик қиладилар. Шуниси қизиқки, «Посбон»га аъзо бўлиш осон эмас. Бунинг учун меҳнат жамоаси, маҳалла-куй ишонч билдириши керак. Командирлар йиғилиши ҳар бир номзод билан алоҳида танишиб, уни маъқуллагандан кейингина қарор кучга киради. Бу эса «Посбон»чилар сафини ҳар хил одамларнинг суқилиб кириб қолишлардан сақлайди.

Шундай қилиб, тузилган шартномага кўра «Посбон» кўриқлайди, корхона унинг хизмат ҳақида пул ўтказиб беради. «Посбон»чилар ана шу маблағ эвазига «маош» олиб берадилар.

Хўш, «Посбон» ташкил этилиб, шаҳарчага бирор нафи тегдими? Бу саволнинг тугилиши табиий ва унга ҳокимлик ҳам, милиция ҳам, оддий фуқаролар ҳам жуда соз, «оталарига раҳмат» деб жавоб беришмоқда.

Аслида бундай хизмат тараққий этган мамлакатларда аллақачон ривож топган. Масалан, кўпгина ҳорижий шаҳар мэрияларида муниципал милициялар ишлаб турибди. Улар жамоат тартибини сақлашда, моддий бойликларни кўриқлашда иштирок этадилар. Улар ҳеч қачон давлат полиция хизмати мақомига даъво қилмайдилар, балки унга яқин кўмакчи бўладилар.

Қиргули туман ички ишлар бўлими бошлиғи Жўрабой Тошпўлатовнинг таъкидлашича, «Посбон» муниципал милиция йўлидаги дастлабки қадамдир. Амалий бундай хизмат турунинг шаклланиши ва ривожланиши жамиятга фойдали эканлигини кўрсатмоқда. Чунки тартиббузарлик, интизомсизлик, турли жиноятлар сони шаҳарчада бирмунча камайди. Бунда «Посбон»нинг ҳам хизмати катта.

Алижон ҒАНИЕВ,
Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси
ходими, милиция майори.
Олимжон ҲАКИМОВ,
«Олтин водий» газетаси ходими.

БУЛУНҒУР ТУМАНИ ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ БОШЛИҒИНИНГ ШАХСИЙ ТАРКИБ ХИЗМАТИ БЎЙИЧА МУОВИНИ, МИЛИЦИЯ МАЙОРИ У. РАВШАНОВ БИЛАН МУСОҲАБА

МУХБИР: — Вилоят ҳудудида турли жиноятлар содир бўлаётгани сир эмас. Жиноятчилар билан юзма-юз, қатъий кураш олиб боришда ички ишлар ходимлари ҳуқуқий жиҳатидан қилинган чоралар қандай ишлар амалга ошириляпти?

У. РАВШАНОВ: — Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 1990 йил 31 октябрида имзоланган «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қонун осойишталик посбонлари учун муҳим аҳамият

бошлиқлари олиб боришади. Улар орасида бўлим бошлиғининг муовини — милиция капитани М. Расулов, — ДАН бошлиғи, милиция майори Х. Холманов, кўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция капитани Х. Саипов, жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи, милиция капитани М. Қаршиевлар бор.

Шахсий таркиб ўртасида ҳафтада икки марта жисмонан чиниқтириш машғулоти олиб боришмоқда. Ҳафтанинг сешанба кунлари эса «Билимлар соати» ўтказилади. Унда дунё воқеалари, янгиликлар, ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

касб этади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида биринчи бўлиб милиция ходимлари муҳофазасига қаратилган бундай қонуннинг қабул қилиниши авваломбор халқимиз осойишталигига ҳамиша камарбаста бўлган ҳар бир ички ишлар ходимининг кучига-куч қўшмоқда. Мазкур фармон ички ишлар бўлими ходимлари томонидан қисқа вақт ичида деярли барча меҳнат жамоалари ўртасида ишлаб чиқилди. Амалда милиция ходимларининг қонуний талабларини бажармасликка мойиллик кўрсатган ёки уларни ҳақорат қилган шахсларга нисбатан тегишли чоратadbирлар кўриляпти. Натижада бугунги кунда милиция ходимлари қонунбузарларга қарши курашни анча кучайтирдилар. Шунингдек, 1991 йилда ички ишлар ходимларига қаршилик кўрсатиб, уларнинг қонуний талабларини бажармагани учун тумандаги 22 фуқарога тегишли чора кўрилган бўлса, 1992 йилнинг биринчи чорагида бундай фактлар иккитани, шу йилнинг биринчи чорагида эса аттиги биттани ташкил этди.

МУХБИР: — Маълумки, милиция ходимларининг жисмонан бақувват, теран фикрли, ўз касбини чуқур эгаллаган, билимли бўлишлари катта аҳамият касб этади. Туманда бу борада қандай тадбирлар амалга ошириляпти?

У. РАВШАНОВ: — Ҳозирги даврда ҳаётнинг ўзиниқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтириш, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга ошириш заруратини кўрсатиб турибди. Бунинг учун ходимларимизнинг билими, маҳоратини, жанговар хизмат тайёргарлигини ошириш муҳим ўрин тутди. Бўлимимиз шахсий таркиби ўртасида жанговар тайёргарлик хизматида доир ўқув машғулоти сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бериляпти.

1993 ўқув йилида бешта жанговар тайёргарлик хизматида доир гуруҳ ташкил этилди. Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасининг буйруғи асосида туманимиз ички ишлар бўлимида ҳар ойнинг охирида бир марта лекция ва амалий машғулоти ўтказилмоқда. Ўқувни асосан билимли, тажрибали раҳбар ва бўлим

ҳаётидаги муҳим воқеалар билан шахсий таркиб таништириб борилади.

МУХБИР: — Баъзида шундай ҳолатлар учрайдики, милиция ходимларининг ўзлари қонун-қоидага риоя қилишмайди. Бу, албатта, милиция формасини кийган кишиларга иснод. Шундай ҳолатларга йўл қўймаслик ва масъулиятни ошириш бўйича нима ишлар қилинапти?

У. РАВШАНОВ: — Шу йилнинг январиде Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Республика ички ишлар идораларида хизмат ўташ тартиби ҳақидаги муваққат Низомнинг қабул қилиниши ва олийк маошларнинг ошириши ички ишлар ходимлари зиммасига жуда катта масъулият юклади.

Шахсий таркиб ўртасида таълим-тарбия ишлари билан ҳар бир бўлим ва бўлимча бошлиқлари яқка тартибда, режа асосида шугулланиб келмоқда.

Бўлимда жамоатчилик ташкилотлари — ўртоқлик судлари ва мураббийлик Кенгаши ҳам фаолият кўрсатаётир. Шу боис шахсий таркиб ўртасида тартиб-интизом, қонунчиликнинг бузилиши ўтган йилларга нисбатан анча камайиб бормоқда. Ўтган 1992 йилнинг биринчи чорагида интизомни бузган учун икки ходимга чора кўрилган бўлса, шу йилнинг биринчи чорагида битта ходим интизомни бузганлиги учун тартибга чақирилди.

Шахсий таркибнинг ўз бурчи бўлган вазифаларни бажаришда алоқа воситалари билан таъминлаш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турганини яширмайман. Ўйлайманки, бу муаммо тез фурсат ичида раҳбарият томонидан ижобий ҳал қилинади.

МУХБИР: — Усмонқул ака. «Постда» муҳарририяти жамоасига тилакларингиз!

У. РАВШАНОВ: — «Постда» газетаси қайта ташкил этилгандан буён унинг ҳар бир сонини қизиқиш билан ўқиб келаман. Назаримда «Постда» кундан-кунга очилиб бораётгандай. Мавзулари турли-туман, унда кўтарилган масалалар долзарблиги билан бошқа газета-журналлардан тубдан фарқ қилади. Муҳарририят жамоасига сўхат-саломатлик, ижодий баркамоллик тилаб қоламан.

МУХБИР: — Ташаккур. Сизга ҳам масъулиятли вазифангизни адо этишда зафарлар тилайман. Сухбатдош Муроджон ТИЛЛАЕВ.

ДУШАНБА

12 ИЮЛЬ
ЎЗТВ 1

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун...". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Тошкент". Манзарали фильм. 18.20 "Ёшлик" студияси. "Қарс икки қўлдан". 18.50 "Қишлоқ ҳаёти". Фаргона вилояти Олтириқ тумани. 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 "Неъмат Кўзбобоев". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Анъаналар этади давом". Мусикий кўрсатув. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ўйгун, Иззат Султон. "Алишер Навоий". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2

18.30 "Ассалому алайкум" (такрор). 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Ўтмишсиз келажак йўқи". 20.30 "Лаҳза". Хабарлар. 25.50 "Билиб қўйган яхши". 21.10 "Лаҳза". Хабарлар. 21.30 "Ўғрилиқ". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби 5.00 "Яқунлар". 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Мультифильм. 8.30 В. Ерефеев, "Ечим". Болалар учун телеспектакль. 9.20 "Садовое кольцодаги саройда". 9.50 Эркалар хорининг концерти. 10.15 "Мавзу". 11.00 Янгилар. 11.20 "Тол".

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемист". 15.10 "Иш". 15.20 "Майя араси". Кўп серияли мультифильм. 15.45 "Теледномалар". 16.05 "Россияда биринчи". Хужжатли фильм премьераси ("Лентелефильм"). 16.20 "Икболи кулганда". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 "Санкт-Петербургнинг оқ тунлари". Халқаро мусикий фестивал хроникаси. 17.50 "Тол". 18.25 "Ҳафтанинг акс садоси". 18.55 "Кулиш гуноҳ эмас...". Ю. Васильев. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Спорт уик-энди". 20.40 Москва кинофестивали кундалиги. 20.55 "Рус пасторали". Фильм концерт. "Янги студия" таништилади. 21.20 "Бог сайри" мавсум епилиши байрами. Танафус пайтида (23.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 "Ишбилармон кишилар даври". 8.00 Россияда бизнес. 8.30 "Юлдузлар ёғилганда". 9.30 "Рек-тайм". 10.00 Мульти-пульт. 10.10 Юбиларнинг фильм жавонидан. Э. Климовнинг "Хайрлашув" бадий фильми. 1 ва 2-сериялар. 12.15 "Дехқонларга тааллуқли масала". 12.40 Кундузги сеанс. "Финист — сарлочин". Бадий фильм. 13.55 "Американинг ёввойи табиати". Кўп серияли телефильм премьераси. 14.25 Волейбол бўйича жаҳон лигаси биринчилиги. Россия — Греция. 15.25 "Телемати". 15.30 Янгилар. 15.45 "Бола тилидан". 16.15 Трансросэфир. "Европа — Осие".

17.00—19.10

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.10 "Услуб". 19.40 Душанба куни детектив. "Лаки страйк" таништилади. "Ўтмиш акс-садоси". Бадий фильм. "Криминал ҳодисалар" сериалидан. 20.35 Катталар учун мультифильм. 20.45 Танафус. Вика Циганова куйлайди.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Ҳақиқат онлари". 22.25 "Қутқариш хизмати-911". 23.20 Спорт кўрсатуви. 23.35 "Формула-1" классда автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Буюк Британия гран-приси.

СЕШАНБА

13 ИЮЛЬ
ЎЗТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Лирик концерт. 7.50 "Мутахассис маслаҳати". 8.00 "Билиб қўйган яхши". 8.20 "Баҳодирлар бўтқаси". Мультифильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДА

лида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 9.30 "Муқаддима". Телефильм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун...". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кичкинтой" устахонаси. 18.35 "Соғлом авлод, учун". 19.05 "Пахтакорларнинг долзарб вазифалари". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 "Дуне воқеалари". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Қамолот йўлида". Ю. Ражабий номидаги еш маком ижрочилари танловининг ғолиби Азамат Отажонов. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Ислохот ҳақида суҳбатлар". 21.40 "Ёшлик" студияси. "Зие". 22.40 "ГАИ инспектори". Бадий фильм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2

18.30 "Уолт Дисней таништилади...". Мультифильмлар тўплами. 19.20 "Асрлар анъанаси". Телефильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Камер оркестри таклиф этади. 20.30 "Билим сарчашмалари". 21.10 Ёлонлар. 21.15 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Кидди-Видди". 8.35 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.20 "Инсон ва қонун". 9.40 И. Гайдн. Скрипка ва оркестр учун до мажор концерти. 10.05 "Кулиш гуноҳ эмас...". Ю. Васильев. 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 "Келажакдан келган меҳмон". Беш серияли телевизион бадий фильм. 1-серия. 12.25 "Героин йўли". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 1-серия. 13.15 Мультифильм. 13.40 Хужжатли фильм.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Ишбилармонлар хабарномаси". 14.40 "Конверсия ва бозор". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 Майя араси". Кўп серияли мультифильм. 15.40 "Стартинейджер". 16.25 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 10-кўрсатув. 16.50 "Технодром". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро Останкино телеканали "Таниш нотанишлар" кўрсатувини таништилади. 18.00 Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 "Мулқдор алифбоси". 18.55 "Мавзу". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Севги алифбоси". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 12-серия. 20.55 Футбол. Россия чемпионати. "Спартак" (Владикавказ) — "Динамо" (Москва). Владикавказдан кўрсатилади. 22.30 "Матбуот-экспресс". 22.45 "Санкт-Петербургнинг оқ тунлари". Халқаро мусикий фестивал. 4-кун. Танафус пайтида (23.00) — Янгилар. 00.50 Москва кинофестивалининг епилиши.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 "Ишбилармон кишилар даври". 8.00 "Ҳақиқат онлари".

11.00 Хонаки экран. "Виадук". Бадий фильм. 12.35 "Танафус". 12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.05 Россия телевидениесининг сара асарлари. "Оқ қарга". 14.10 "Агар сиз...". 14.40 "Тилла новда". 15.10 Янгилар. 15.25 "Рост" студияси. "Тонлабиринг". 15.55 Трансросэфир. "Самара — фестиваллар шаҳри". 16.45 "Жаноблар-ўртоқлар".

17.00—19.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 "Мусикий фейерверк". 19.25 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 191-серия. 20.15 "Динозаврга айланмайлик". 20.30 "Биолончелчи Кирилл Кравцов".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Хўжайин". 22.20 "Санъат майдони". Дирижер Саулус Сондецкис. 23.05 Спорт кўрсатуви. 23.10 "Ватаним менинг". "Вилоятдан мактублар".

ЧОРШАНБА

14 ИЮЛЬ
ЎЗТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...".

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Фаргонанинг мовий ҳалқаси". Телефильм. 7.40 Ёр ва диер тароналари. 8.00 "Дуне воқеалари". 8.15 "Қувноқ болалар". 8.30 "Ўзбекистон ахбороти (рус тилида)". 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Турк тили. 9.30 "Кичкинтой" студияси. "Бола дунени тебратар". 9.50 "Ўорднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун...". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Оромгоҳлар қўнида". 18.40 "Шеърят дафтаридан". Исмоил Тўхтамишев. 18.55 "Ғалла — ризқ-рўзимиз". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 "Осойишталик посбонлари". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Олий таълим янгиланиш йўлида". 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Республика газеталарининг шарҳи. 21.40 "Тановарлар кечаси". Халқ артисти Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 80 йиллигига. 22.40 "Най учун езилган кўҳна куйлар". Бадий фильм. 1-қисм. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

18.30 "Фан ҳақида суҳбатлар". 19.00 "Спринт". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Иқтисодчилар мактаби". 20.35 "Театр оламида". 21.45 "Дурангсиз уйин". Бадий фильм.

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Мультифильм. 8.35 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.20 "Савдо кўприги". 9.50 "Олий хиссиет". Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 3-серия. 10.20 "Севги алифбоси". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 12-серия. 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар. Кундузги киноэкспресс 11.20 "Келажакдан келган меҳмон". Беш серияли телевизион бадий фильм. 2-серия. 12.25 "Героин йўли". Кўп серияли-телевизион бадий фильм. 2-серия. 13.20 Мультифильм. 13.30 Хужжатли фильм премьераси.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультифильм. 15.40 "Ва яна Халқаро ешлар анжумани". 16.20 "Клуб 700". 16.50 "Технодром".

17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ёрлиги" кўрсатувини таништилади.

14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультифильм. 15.40 "Ва яна Халқаро ешлар анжумани". 16.20 "Клуб 700". 16.50 "Технодром".

17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ёрлиги" кўрсатувини таништилади.

14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультифильм. 15.40 "Ва яна Халқаро ешлар анжумани". 16.20 "Клуб 700". 16.50 "Технодром".

17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ёрлиги" кўрсатувини таништилади.

14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультифильм. 15.40 "Ва яна Халқаро ешлар анжумани". 16.20 "Клуб 700". 16.50 "Технодром".

17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ёрлиги" кўрсатувини таништилади.

14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультифильм. 15.40 "Ва яна Халқаро ешлар анжумани". 16.20 "Клуб 700". 16.50 "Технодром".

17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ёрлиги" кўрсатувини таништилади.

14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультифильм. 15.40 "Ва яна Халқаро ешлар анжумани". 16.20 "Клуб 700". 16.50 "Технодром".

17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ёрлиги" кўрсатувини таништилади.

14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультифильм. 15.40 "Ва яна Халқаро ешлар анжумани". 16.20 "Клуб 700". 16.50 "Технодром".

17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ёрлиги" кўрсатувини таништилади.

18.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 "Миннатор". 19.00 "Кремль деворлари ортида". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Севги алифбоси". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 13-серия. 20.55 "Юлдузлар майдони. 21.40 Номзодлар ва халқ". К. "Илюмжинов. 22.20 "Матбуот-экспресс". 22.35 "Қойил! Танафус пайтида (23.00) — Янгилар. 00.10 "Рок-ролл ТВ". 00.55 "Олий хиссиет". Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 3-серия.

ТЕЛЕТОМАШАБИНЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 12 июль куни "Дубль IV" кўрсатувлари соат 15.10 дан бошлаб намойиш этилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.10 Ишдан бўш пайтингда. "ТВ-ателье". 15.25 "Бизнес: янги номлар". 15.40 Янгилар. 15.55 Трансросэфир. "Узоқ Шарқ". 16.45 "Сигнал".

17.00—19.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Спорт кўрсатуви. 19.25 Телеэкранда — премьераси. "Комиссар Мергрэ". Бадий фильм (Франция).

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Келинг, аниқлаб олайлик". 21.40 "Сиз яратган бог". 22.10 "Франция. Қўшиқ, Брижит Бардо". 23.25 Баскетбол шарҳи.

ПАЙШАНБА

15 ИЮЛЬ
ЎЗТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Дилга яқин қўшиқлар". 7.50 "Мутахассис маслаҳати". 8.00 "Қувноқ болалар". 8.20 "Ўйин". Мультифильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Араб тили. 9.30 "Ёш физиклар баҳси". 10.00 "Ўорднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун...". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Томоша" театр студияси. 18.40 "Семург" — бахт куши". Телефильм. 18.55 Эстрада тароналари. Равшан Комилов ва Райхон Эшмухаммедова куйлайди. 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 "Талабалар анжумани". "Ўзбектефильм" премьераси. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Мустақиллик ва қонунчиликни такомиллаштириш". 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Ислохот ҳақида суҳбатлар". 21.40 "Ёшлик" студияси. "Ойнинг ўн беши". 22.55 "Най учун езилган кўҳна куйлар". Бадий фильм. 2-қисм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

18.30 "Болалар учун. "Табассум". 19.00 "Ёнгиндан эҳтиёт бўлинг!". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Шарқ лирикиси. 20.15 "Матбуот саҳифаларида". 20.25 "Бу оқшомда". 21.40 Ёлонлар. 21.45 "Кинонигоҳ".

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Тингланг, томоша қилинг...". 8.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.30 "Йўлбарсни учратганимда...". Хужжатли фильм премьераси ("Дальтефильм"). 9.50 "Олий хиссиет". Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 4-серия. 10.20 "Севги алифбоси". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 13-серия. 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар.

11.20 "Келажакдан келган меҳмон". Беш серияли телевизион бадий фильм. 2-серия. 12.25 "Героин йўли". Кўп серияли-телевизион бадий фильм. 2-серия. 13.20 Мультифильм. 13.30 Хужжатли фильм премьераси.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультифильм. 15.40 "Ва яна Халқаро ешлар анжумани". 16.20 "Клуб 700". 16.50 "Технодром".

17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ёрлиги" кўрсатувини таништилади.

14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультифильм. 15.40 "Ва яна Халқаро ешлар анжумани". 16.20 "Клуб 700". 16.50 "Технодром".

17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ёрлиги" кўрсатувини таништилади.

14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультифильм. 15.40 "Ва яна Халқаро ешлар анжумани". 16.20 "Клуб 700". 16.50 "Технодром".

17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ёрлиги" кўрсатувини таништилади.

14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультифильм. 15.40 "Ва яна Халқаро ешлар анжумани". 16.20 "Клуб 700". 16.50 "Технодром".

17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ёрлиги" кўрсатувини таништилади.

14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультифильм. 15.40 "Ва яна Халқаро ешлар анжумани". 16.20 "Клуб 700". 16.50 "Технодром".

17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ёрлиги" кўрсатувини таништилади.

дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультифильм. 15.40 "Озодлик... талаб қилиб олинганга қадар". 16.00 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 11-кўрсатув. 16.15 "Джэм". 16.45 Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?.. 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 "...16 ешгача ва ундан катталар". 18.10 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.55 Сиз учун учрашув. Академик Борис Раушенбах. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар. 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 Ёдда қолган фильмлар. "Катта оила". Бадий фильм ("Ленфильм", 1954 й.). 22.20 "Матбуот-экспресс". 22.30 "Овозли йўлка". 23.00 Янгилар. 23.40 "Олий хиссиет". Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 4-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 "Ишбилармон кишилар даври". 8.00 "Параллеллар". 8.15 "К-2" таништилади. "Халқ фраки". 9.10 XX аср кадрда ва кадр ортида. "Икки шоир илхоми". 9.40 Джаз куйларидан концерт. Элизабет Комон (Франция). 10.10 "Йўлдаги суҳбатлар". В. Лакшин. 2-кўрсатув. 10.55 Мульти-пульт. 11.05 Хонаки экран. "Бир бора алдаб...". Бадий фильм. 12.30 "Дехқонларга тааллуқли масала". 12.55 Россия телевидениесининг сара асарлари. "Оқ қарга". 13.55 "Русча ташриф". 14.25 "Терминал". 14.55 Янгилар. 15.10 "Рост" студияси. "Оқ тунлар" мусикий фестивали. 15.40 Трансросэфир. "Урал варианты". 16.30 Санкт-Петербург мусиқаси. Анна Ива куйлайди.

экспресс". 11.00 Янгилар. 11.20 "Чок лабали чўчка боласи". Катта кўгирчоқ театрининг фильм-спектакли премьераси (Санкт-Петербург). 12.15 "Турмуш икир-чикирлари". Бадий телесериал. 3 ва 4-сериялар. 13.15 Мультфильмлар. 14.00 Янгилар. 14.00 Янгилар. 14.25 "Бридж". 14.50 "Бизнес-класс". 15.05 "Майя араси". Кўп серияли мультфильм. 15.30 "Хоккей-хитшоу". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Геосиёсий реалиялар. Россиянинг ташқи сиёсати" кўрсатувини таништилади. 17.45 "Инсон ва қонун". 18.15 "Вагон-03". 18.45 "Мўъжизалар майдони". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Хафтанинг машхур киши". 20.40 "Детективлар клуби". "Суни". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 21.40 "Матбуот-экспресс".

"ВИД" таништилади:
21.55 "Сиёсий бюро". 22.30 "Х" программаси. 23.35 "Авто-шоу". 23.50 "Хит-конвейер". Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар.

00.50 Пляж волейболи бўйича халқаро турнир.

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 "Ишбилармон кишилар даври". 8.00 Тонгги концерт. 8.15 "Сиёсат майдонида". 9.10 Мультфильм. 9.20 "Хайвонот оламида". 10.20 "Йўлдаги суҳбатлар". В. Лакшин. 3-кўрсатув. 11.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 192-серия. 11.55 "Армия қандай бўлиши керак?". 12.20 "Дехқонларга тааллуқли масала". 12.40 Бир санъаткор театри Г. Островский. 13.05 Россия телевидениесининг сара асарлари. "Оқ қарга". 14.05 Мусиқа йирик планда. Э. Григ асарларидан концерт. 14.45 "Телематн". 14.50 Трансроссфир. "Биз — тверликлармиз". 15.20 "Рост" студияси. "Гўзал кизлар", "Биринчи тайм". 16.05 Жума кунлари Дисней. "Митти разведкачилар". Бадий фильм. 2-серия.

17.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.00 "Кафе-крем" мисси. 19.30 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 193-серия. 20.20 Спорт кўрсатув. 20.25 Телебиржа.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Франция. Кўшиқ". 22.10 "К-2" таништилади: "САС устахонаси", А. Кайдановский ва унинг "Бог" ҳамда "Иона" фильмлари. 00.20 "Драматик актёрлар куйлайди". А. Миронов номли танловда.

ШАНБА
17 ИЮЛЬ
ЎЗТВ I
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Созимда севги васфи". 7.50 "Шифокор маслаҳати". 8.00 "Дуне воқеалари". 8.15 Мультфильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 "Алифбо сабоқлари". 9.30 Болалар учун. "Гўзаллик гулшани". 10.00 Спорт хабарномаси. 10.15 "Мухаддис". 10.45 "Ешлик студияси. "Ишонч". 11.25 "Қиммат бола". Бадий фильм. 12.45 "Бог Ерамдаги урашув". 13.15 "Санъат усталари". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холисхон Қодирова куйлайди. 14.00 "Мен отамни кўрмагандим...". Наманган вилоятдан.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. "Умид учқунлари". 18.30 "Талабалар саҳнасида". Б. Нушич. "Тумов". 19.20 "Қўқонди латиф едгорляклари". Телефильм. 19.30 "Ўзбекстон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Жаҳон спорти янгилар. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Истиклол ва маънавият". 21.00 "Туркистон" ахбороти. 21.30 Республика

газеталарининг шарҳи. 21.40 "Мусиқа жавони". 22.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Олтин остона". Публицистик кўрсатув. 23.50 "Тунги егду". Дам олиш кинопрограммаси.

ЎЗТВ II
17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ "ОРБИТА IV"
5.45, 7.30, 14.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 "Матбуот-экспресс". 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгилар. 7.35 "Спорт-имконият". 8.05 "Марафон-15" таништилади. 8.35 "Бумеранг". 9.05 "Шанба кунги дастхат". 9.35 Экологик шарҳ. 9.50 "Рус зияратчиси". 10.45 "Тиббиёт ҳамма учун". 11.25 "Тувох". Бадий-публицистик фильм премьераси ("Абхазфильм"). 12.45 "Ҳокимият сиймоси". 13.00 "Иковлон бир қайиқда, кинокамерали хисобга олмаганда". В. Усков ва В. Краснопольский. 14.00 Янгилар. 14.25 Шахзода ва Сув париси". Кўп серияли мультфильм премьераси. 15.15 "Мулқдор алифбоси". 15.25 "Марказий Экспресс". Европа тележурнали. 15.55 "Ультра-си". Спорт кўрсатув. 16.35 "Пул ва сиёсат". 17.05 "Хайвонот оламида". 17.50 "Театр романи: охири шох". 18.50 "Коламбия пикчерс" таништилади: "Хьюстон рицарлари". Телевизион бадий фильм премьераси. 3-фильм. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Коламбия пикчерс" таништилади. "Зангори ва куд ранг". Телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 21.10 "Резонанс" студияси таништилади: "Руга-Канкан". 21.30 Буржлар туркумидан кўрсатув. 23.00 Янгилар. 23.40 "Матбуот-экспресс".

"СНО-ВИДЕНИЕ" тунги канали
23.50 "Овозлар". 00.10 Спорт кўрсатув. 00.30 "Тунги хит". 01.15 Россия каскадерлари. 01.25 "Ўқираётган шер". Бадий фильм (Гонконг).

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 "Оламга ўз нигоҳи билан қараш". 7.55 "730-формула". 8.25 "Бурда моден" тавсия этади...". 8.55 "Рост" студияси. "Якунлар", "Бизнинг "Аралаш". 9.25 "Изабель". Дам олиш викторинаси. 10.10 Хонаки экран. "Автомобиль, скрипка ва Клякса лақабли кучук". Бадий фильм.

11.45—13.50
"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
11.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 11.55 "Рангинкамон" (тожик тилида). 12.45 "Безнен мирас" (тетар тилида). 13.40 "Бу турфа олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
13.50 "Чегарасиз футбол". 14.45 "Романовлар уйи". Телефильм премьераси. "XX аср кадрда ва кадр ортида" туркумидан.

17.00—18.55
"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
17.00 "Авлодлар". 17.40 "Мусиқа оламида". 18.15 "Голливуд фильмлари таништилади". 18.40 "Бу турфа олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.55 "Экспомарказ" таништилади. 19.00 "Хар бир кун байрам". 19.10 Спорт кўрсатув. 19.15 "Кечир". Бадий фильм. 20.40 "Фильмлар премьераси".

21.00—23.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.20 "Каунтдаун". Оммабон куйлар янгилар.

ЯКШАНБА
18 ИЮЛЬ
ЎЗТВ I
7.00 "Ассалому алайкум".

8.00 "Туркистон" ахбороти. 8.30 Болалар учун. "Тонгги салом". 9.00 "Махобжорат". Кўп қисмли телевизион бадий видео фильм (Хиндистон). 24—25-сериялар. 10.30 Инглиз тили. 11.00 "Анъана ва замон". 11.30 Самарқанд вилояти "Пастдарғом тароналари" ансамбли ижросида "Наво" мақоми. 11.55 Болалар учун. "Ўғил — умид юлдузи". 12.25 "Хотира". Садир Зиевуддинов. 13.10 "Ватанпарвар".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун фильм. "Писмик". 18.40 "Дўстлик тароналари". 19.15 "Ойнаи жаҳонда...". 19.30 "Хафтанома" (рус тилида). 20.00 "Ахвол қандай, чемпион?". Самбо кураши бўйича жаҳон чемпиони Гайфуддин Ходиев ҳақида. 20.20 "Актёрлар ва роллар". Ўзбекистон халқ артисти Шафоат Раҳматуллаева. 21.00 "Хафтанома". 21.40 "Мусиқий учрашувлар". Сирдарё вилояти. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II
7.00—12.00
17.00—23.30
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ "ОРБИТА IV"
5.40, 7.30, 14.15, 18.00, 21.45, 23.15 — Кўрсатувлар тартиби. 5.45 Эрталабки гимнастика. 5.55 "Рухни чиниктириш". 6.55 Янгилар. 7.35 "Авто-шоу". 7.50 "Технодром". 8.00 "Марказ". 8.30 "Эрта саҳарлаб". "Денвер — динозаврларнинг энг сўнгиси". Кўп серияли мультфильм премьераси. 9.00 "Хамма уйдалигида". 9.30 "Спортлото" тиражи. 9.45 "Илҳом чашмалари". 10.15 Кичик концерт. 10.35 "Харбий ревью". 11.05 "Шоир Владимир Маяковскийнинг севгиси ва ўлими". Хужжатли фильм премьераси (Украина). 12.10 "Марафон-15". "Старт".

"КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништилади:
13.00 "Пиф ва Геркулес". Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.10 "Кусто" командасининг сув ости одессеси". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.

14.00 Янгилар. 14.20 А. Шнитке. "Қадимий стилдаги сюита". 14.35 "Саеҳатчилар клуби". 15.25 "Хунари хор бўлмайди". 15.30 Мультфильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари". "Ҳақиқий ажина оловчилар". 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.05 "Панорама". Хафталик халқаро кўрсатув. 17.45 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.05 "Дон Мигель альбоми". Мусиқий телефильм. 19.00 Мультфильм. 19.15 Телекранда биринчи марта. "Тимсох лақабли Данди". Бадий фильм премьераси (Австралия). 20.55 Ёлонлар.

21.00 "Якунлар". 21.50 С. В. Рахманинов ва Ф.И. Шаляпин юбилейлари. 23.00 Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Хужжатли фильм. 7.55 Мультфильм. 8.05 Хайрли тонг. "Чемпионлар учун нонушта". 8.35 "Фольклор". 9.05 "Рост" студияси. "Кунни узайтирилган группа". "Азамат йигитлар". 9.35 "03" кўрсатув. 10.05 "Ати-бати...". 10.35 Кипрас Мажейка. "Кичик Европа"дан репортажлар. 11.05 Хонаки экран. "Дон-Кихот болалари". Бадий фильм.

12.20—13.30
"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
12.20 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 12.30 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда". 13.10 "Дийдор (қозок тилида)". 13.50 "Американинг ўсимлик ва хайвонот дунеси". 14.25 Телевикторина. 15.15 "Бу турфа олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.35 "Мана, охири юз йиллик юбилей". Владимир Маяковский. 16.05 Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни-Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плашч".

17.00—18.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 Си-Би-Эсининг якшанба кинотеатри. "Старк". Бадий фильм. 19.45 "Владимир Познернинг Америкаси". 20.00 Волейбол бўйича жаҳон лигаси биринчилиги. Россия — Япония.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 Спорт кўрсатув. ("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан).

ЛОҚАЙДЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Маълумки, нефть маҳсулотларининг асосий қисми республикамизга ташқаридан олиб келинади. Хўш, давлат аҳамиятига эга бўлган бу қимматбаҳо маҳсулотларни сақлаш ва ишлаб чиқариш корхоналарида ёнгиндан муҳофаза қилишни таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Ана шу саволни ойдинлаштириш мақсадида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Ёнгиндан сақлаш бошқармаси (ЁСБ), жойлардаги давлат ёнгиндан сақлаш назорати ходимлари, ўт ўчириш хизматлари томонидан республика нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат акционерлик бирлашмасига қарашли корхоналардаги ахвол назоратдан ўтказилди.

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, нефть маҳсулотларини сақлаш корхоналарининг бир қанчаси ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида бир мунча ишлар амалга оширилган. Жумладан, Кўчлик нефть сақлаш корхонасида автомат ўт ўчириш мосламаси ишга туширилган. Ховост, Дўстлик, Навоий нефть сақлаш корхоналаридаги резервуар парклари ҳозирги қонун-қоидаларга жавоб берадиган даражада жиҳозланган.

Аммо мана шу қилинаётган ишларга қарамадан, Давлат акционерлик бирлашмасига қарашли кўпгина нефть маҳсулотларини сақлаш омборларида мавжуд ахвол кўнгилдагидек эмас.

Республикамиздаги шундай омборларнинг 25 таси қоидаларга зид ҳолда ишлаб чиқариш корхоналари ва фуқароларнинг турар жойлари оралигида жойлашган (хавфсизлик масофасига риоя қилинмаган). Мамақанд, Денов, Шўрчи нефть сақлаш корхоналари ён-атрофдагиларга катта хавф тугдирмоқда. Чунки Самарқанд ва Деновдаги корхоналар фуқароларнинг турар-жойларидан бор-йўғи 20-25 метр олислиқда, холос. Шўрчи нефть сақлаш корхонаси билан мебель фабрикаси орасидаги масофа атиги 6 метр! Мана шу 6 метрлик масофада нефть маҳсулотларини тўкиш (эстакада) қурилмаси жойлашган ва у ерда нефть маҳсулотлари билан тўла цистерналар туради. Бундан ташқари цистерналарни тўхтатиш мосламаси темирдан ишланган, бу эса учкун чиқиши учун энг осон имконият. Жойлардаги ҳокимият ва Давлат акционерлик бирлашмаси раҳбарлари ушбу корхоналарда ёнгин чиқса еки портлаш юз берса, нафакат давлатимизга, зиён етишини балки шу атрофда яшовчи юзлаб инсонларнинг ҳаёти хавф остида қолишини, наҳотки англаб етишмаяпти?!

Косон, Қарши, Шахрисабз, Жарқўргон, Термиз, Асака, Тўрақўргон, Каттакўргонда жойлашган корхоналардаги темир йўл ва тўкиш қурилмалари электр разрядларини ерга узатиш химоя мосламалари билан таъминланмаган. Қўқон, Косон, Жарқўргон, Сирдарё, Косонсой, Самарқанд вилоятидаги барча корхоналарда кўпиклагичлар етарли даражада эмас, борлари ҳам ўз кучини йўқотган.

Ишонамиз ва умид қиламизки, давлат акционерлик бирлашмаси раҳбарияти қисқа вақт ичида юқорида қайд этиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш борасида керакли чора-тадбирларни қўрадилар, республикамиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда алоҳида муҳим аҳамиятга молик бўлган нефть ва нефть маҳсулотларини ёнгиндан сақлашда бутун билим ва ғайратларини сафарбар қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгиндан сақлаш бошқармасининг катта муҳандиси, ички хизмат катта лейтенанти.

Р. ЖўРАЕВ,

Хўш, бу нима: лоқайдликми ёки бошбошдоқлик? Нега қоидалар асосида белгиланган тадбирлар ўз вақтида ва тўла-тўқис бажарилмаяпти? Бу саволларни яна тегишли раҳбарларга берамиз.

Бухоро, Қоракўл, Қизилтепа, Қарши, Ғузор, Термиз, Гулистон, Ховос, Сирдарё, Шахрисабз, Пойтуғ, Пахтаобод ва яна бошқа нефть сақлаш корхоналарида флянцли уланиш мосламалари етарли мурватлар билан маҳкамланмаганлиги туфайли ёнлиги оқиб кетмоқда. Ёнлиги оқиши ва томиши Самарқанд нефть сақлаш корхонасининг 25 жойида ва Жума Нефть сақлаш корхонасининг 20 нуқтасида аниқланган.

Тошкент ёнлиги тушириш ва тарқатиш, Қарши, Косон, Термиз, Жарқўргон, Денов, Бухорода жойлашган корхоналарнинг моддий бойликлар сақланадиган омборлари ёнгини зудликда сезувчи автомат мосламалар билан жиҳозланмаган.

Наманган, Чортоқ, Каттакўргон ва бошқа нефть сақлаш корхоналаридаги темир йўл эстакадаси корхона худудидан ташқарида жойлашган, у ерда ҳеч қандай тўсиқ ва қўриқча йўқ.

Нефтни сақлаш корхоналаридаги мавжуд ўт ўчириш ва қўриқлаш хизматларининг жанговар ҳолати талабга жавоб бермайди.

1992 йил ва шу йилнинг ўтган даври мобайнида республика нефть сақлаш корхоналарида 19 маротаба ёнгин содир бўлди. Оқибатда йирик миқдорда моддий зиён кўрилди.

Мавжуд корхоналарнинг 80 фоизидан ўт ўчириш қисми билан тўғридан-тўғри телефон алоқаси ўрнатилмаган, борлари ҳам ишламайди. Текшириш пайтида Мамақанд, Булунгур, Рапқон нефть сақлаш корхоналарида шаҳар телефон алоқалари ишланмаган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида қайд этилган камчиликлар ўз вақтида Давлат акционерлик бирлашмаси, вилоят бошқармалари ва жойлардаги тегишли раҳбарларга кўрсатилган эди. Бироқ, кўрсатилган камчиликлар бир неча йиллардан бери масъул раҳбар ходимлар томонидан бажарилмай келяпти. Агар Давлат акционерлик бирлашмаси ва вилоятлардаги бошқармалар томонидан лоқайдликка йўл қўйилмай, ўз вақтида зарур тадбирлар ишлаб чиқилганида эди, минг-минглаб, айни дамда миллионлаб сўм маҳсулотлар йўққа чиқиб кетмас эди.

Ҳозирги кунда нефть маҳсулотларига бўлган талаб ниҳоят даражада юқори. Буни англаб етиш учун унчалик кўп ақл талаб этилмайди. Юқорида номлари зикр этилган корхоналар раҳбарлари бунга жуда яқин тушунадилар. Аммо улар лоқайдлик касалига мубтало бўлган кўринишади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди!

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ЙИГИТЛАР!



Субҳидамдаги сукунатда Тошкент ёнги хавфсизлиги мухандислари куллетети курсларининг бошлиги, ички хизмат подполковниги Баҳодир Эргашевич Назаровнинг командалари янграмоқда эди. 57 навқирон йигит янги кийимларда командаларни аниқ-пухта бажаришга ҳаракат қиларди. Бугун улар ёнги хавфсизлиги мухандислари сифатида диплом оладилар, шу сабабли кайфиятлари чоғ эди. Курсантлар ана шу кунга етишмоқ учун тўрт йил тер тўқдилар. Тахсил йиллари қизгин ўтди, назарий машғулотлар амалийлари билан ўрин алмашди, бирор соат ҳам беҳуда ўтмади. Зеро, оловли жабаҳ жангчиси бўлиб етишиш осон эмас.

— Билим юртимиз 1978 йилда барпо этилган, — деб ҳикоя қилади факультет бошлигининг ўқув-илмий ишлар бўйича ўринбосари, ички хизмат подполковниги Абдор Аббосович Аминов. — Шу йиллар ичида ёнги хавфсизлиги бўйича юзлаб юқори малакали мухандислар тайёрланди, улар ҳозир Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ва республикамизнинг ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлиналарида хизмат қилмоқдалар.

Собиқ СССРнинг таназзул топланига қарамай, Марказий Осиёдаги барча давлатлар, Туркменистондан ташқари, ўз вакилларини тахсил олиш учун Тошкентга юборишда давом этмоқдалар. Туркменистон эса маблағ йўқлигини айтиб, ўз вакилларини юбормаяпти. Қўшни республиканинг моддий аҳволи ҳозир анча яхшиланиши сабабли улар Тошкент куллетети билан алоқаларни тиклаш ҳақида сўз юрита бошладилар. Чунки ушбу билимгоҳ ўтган йиллар давомида ўз иқтисодлиги бўйича минтақамизда етакчи ўқув юртига айланди, унинг битирувчилари олинган билимларни амалиёт билан моҳирона қўшиб борувчи юксак маҳоратлари билан ажралиб турадилар.

— Тошкентдаги ёнги хавфсизлиги мухандислари куллететида таълим бешта кафедрада олиб борилади, — дейишади умумий фанлар кафедрасининг доценти Қобил Муҳаммаджонович Мўминов ва унинг ҳамкасби ички хизмат полковниги Садриддин Тожиқидинов Жалилов. — Бу ерда ижтимоий фанлар, профилактика, илмий-тактика, умумий мухандислик ва умумилмий фанлар кафедралари

ҳам мавжуд. Тез орада ҳарбий-жисмоний тайергарлик кафедраси ҳам очилади. Умуман олганда ўқитиш иши пухта йўлга қўйилган.

Серсоя, шинам ҳовлидаги битирувчи курсантлар, профессор ва ўқитувчилар, меҳмонлар миллий байроқлар ҳамда гуллар билан безатилган клубга кўтарилдилар. Факультет бошлиги, ички хизмат подполковниги Анвар Давлатович Худоев ёнги хавфсизлиги мухандисларининг ўн иккинчи маротаба тайёрланишига бағишланган тантаналарга ҳамма нарсаси тайёрлиги ҳусусида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги-Ўтқир Толипович Комиловга рапорт берди. Анвар Қашаев раҳбарлигидаги ИИБ ҳарбий оркестри мустақил Ўзбекистон маршларини ижро этганда ҳамма ўрнидан турди. Битирувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам ўз ҳаяжонларини яширмадилар.

— Сизларга сўхат-саломатлик, бахт-саодат, беҳбудлик тилабгина қолмай, балки ўз давлатларингизда дўстлик тарғиботчилари бўлишингизни ҳам тиламоқчиман, — деди табрик нутқида Ўзбекистон Республикаси Президенти

девоининг вакили, куллетнинг собиқ бошлиги Баҳодир Эргашевич Қосимов. Профессор-ўқитувчилар номидан сўзга чиққан умумилмий фанлар кафедрасининг бошлиги, ички ишлар хизмат подполковниги Миржалил Ҳамидович Усмонов ҳам битирувчиларга илқ сўзлар билан оқ йўл тилади.

Ички хизмат катта лейтенантлари — қозғистонлик Озод Қозихонов ва республикамиз вакили Алишер Султонов ўз сўзларида устозларга самимий миннатдорчилик изҳор этдилар.

— Яхши командирга яхши соат ярашади, — деб ҳазиллашди Алишер Б. Назаровнинг қўлига “командирлик” соатини тақаркан. — Бу бизнинг ўз бошлигимизга камтарона тухфамиз. Таълим берганингиз учун ҳаммангизга раҳмат.

Ҳовлига дастурхон ёзилган, хушбўй палов ҳиди оламни тутган эди. Тантаналар ўз нихоясига етди. Битирувчилар машаққатли хизматга йўл олдилар. Йўлингиз ойдин бўлсин, йигитлар!

Ўз мухбиримиз.
Сурат муаллифи Ноил Жданов.

ТУЙХАТ УРНИДА

ЁШЛАР МУРАББИЙСИ



Милиция старшинаси Акбар ака Адашевни Ўзбекистон республикаси ИИБда кўпчилик яхши танийди ва унинг номини ҳурмат-эҳтиром ила тилга олади. Бунинг боиси бор, албатта.

А. Адашев тажрибали ходим бўлибгина қолмай, ширинсўз, камсуқум инсон, ёшларнинг мураббийси ҳамдир.

У 1970 йили Тошкентдаги ўрта ва махсус милиция мактабини тугаллаб, ИИБ хўжалик бошқармаси хузуридаги соқчилик бўлимига ишга келди. Ўша кундан эътиборан бурчига садоқат билан ҳалол хизмат қила бошлади. Унинг сидқидилдан қилган меҳнатлари она-Ватан, ИИБ раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланди.

А. Адашевнинг кўксини Милиция аълочили, учала даражали “Бенуқсон хизматлари учун”, “Меҳнат фахрийси” каби кўплаб медал ва кўкрак нишонлари беэаб турибди. Ўттиз йиллик иш фаолиятида кўплаб ёшларга мураббийлик қилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Бугун Акбар ака Адашевни соқчилик бўлими жамоаси тантанали равишда фахрийликка кузатишди. Биз чин инсон А. Адашевга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаб қоламиз.

Юзтубан кетган қароқчилар

Ўтган йил январь ойининг охирида. Андижон шаҳридаги хонадонлардан бирининг эшик қўнғирғи жириглади. Ўй соҳибаси эшикни очиб, останадаги икки нотаниш аёлни кўради. “Шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасиданми, пенсия китобчангизни кўрсатсангиз” деган сўровга буткул ишонган содда бека ичкари уйга хужжатларни олиб чиқиш учун кирган. Вазиятдан усталик билан фойдаланган аёллар ётоқхонага кириб, костюмининг ички чўнтагидан 1200 сўм пулни ўғирлайдилар. Орадан бир неча ой ўтгач, ана ўша икки аёл шаҳардаги бошқа бир хонадонга киришиб, аввалгидек усул билан беш юз сўм пул ўғирлашади.

Вақт ўтган сари бундай “ташрифлар” куюклашиб бораверади.

Ҳар гал “Шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасиданми”, — дейилар эди. Августда бир нафақадорниқидан 16 минг 50 сўмлик, бошқасиниқидан 13 минг 70 сўмлик пул ва буюмлар ўғирланган.

Кетма-кет содир этилаётган бу сирли ўғирликлар ҳақидаги аризаларни кўриб чиққан Андижон шаҳар ички ишлар бўлими-тергов бўлими бошлиги Раҳимжон Каримов “иш”ни кимга топшириш ҳақида ўйлаб туриб, анча йилдан бери бенуқсон хизмат қилиб келаётган терговчи, билимдонлиги ва зукколиги билан обрў қозongan милиция капитани Х. Мирзаевага келганда

тўхтади.

Хилолидин Мирзаев бу “иш” билан танишиб чиққач: “Аввал ҳам шундай воқеа бўлганди, ўшалар эмасмикан?” — деган шубҳага борди. Муқаддам судланиб, жазосини ўтаган М.нинг шахси ва фаолияти ўрганилди. Б. А. К. С. деган аввалги ишга дахли йўқлар ҳам аниқланди. Улар 30-45 ёш ўртасидаги аёллар эди. Энг таассуфли томони, роса тер тўкиб ишлаб, меҳнатининг ширин нонини ейишлари мумкин бўлган бу бейзорлар ўғирликка қаяққа боришгапти дегн? Ижтимоий муҳофазага муҳтож қарияларниқига. Қанчалар тубанлик!

Бундан нихоятда таъсирланган милиция капитани Хилолидин

Мирзаев астойдил ишга киришди. Гувоҳлар, жабранувчилар ва айбланувчилар билан эҳтиёткорона сўхбатлар ўтказди, узоқ ўйланди ва изланди.

Нихоят-мазкур жиноий ишнинг тергов жараёни нихоясига етказилиб, айбланувчиларга жазо бериш учун одил суд ҳукмига ҳавола этилди. Қўрайликчи, энди уларнинг “оҳ-воҳу”, “аттанг”лари асқотармикан?

Жамилахон МАТМУСАЕВА,
Андижон вилояти ҳокимлиги
меҳнат,
бандлик ва аҳолини ижтимоий
ҳимоя
қилиш бошқармаси
мутахассиси.

ЯНГИЙЎЛНИНГ ОСОЙИШТА ТУНЛАРИ

“Тун” деб шартли номланган тезкор профилактик тадбир Тошкент яқинида жойлашган бу шаҳарда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Шаҳар ички ишлар бўлимида кеч соат тўққизда тунги навбатчилик учун тақсим бошланади. “Тун” операциясида ҳар бирида тўрт киши бўлган, махсус автоулов ва алоқа воситалари билан таъминланган етти гуруҳ иштирок этади, қолган ходимлар зоналарга бўлиб чиқилган Янгийўлда олдиндан белгиланган маршрутлар бўйлаб патруллик қиладилар. Бу тадбирга милиция кийимидagi жами 70га яқин киши жалб қилинди, улар тонггача жамоат тартибини муҳофаза қилиб, тартиб бузувчиларни аниқлаш ва ушлаш билан шуғулланидилар.

— Ана шу тезкор профилактика тадбири туфайли шаҳарда вазият анча осойишта бўлиб қолди, — дейди шаҳар ИИБ бошлигининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари милиция майори Гофур Худойберганов. — Дастлабки ўн куннинг ўзиеқ биз кутмаган катта самарани келтирди. Тунги вақтда

жамоат жойларида содир этиладиган жиноятлар амалда йўқолди. Шаҳарликлар ҳам бунинг миннатдорчилиги билан таъкидламоқдалар.

...Патруль ярим тунда шаҳар бўйлаб бормоқда. Муволида бир кишининг шарпаси кўриниб қолди. Ярим тунда ким кўчада нима қилиб юрибди? Ички ишлар идоралари ходимлари ўзларига ана шундай савол берадилар. Баъзан шунчаки уйга кечиккан йўловчи учрайди, баъзида эса ҳуқуқ бузувчи, жиноятчи, ташмачи бўлиши ҳам мумкин... Тадбир вақтида патруллар саноат корхоналари, ташкилотлар, мактаблар, болалар боғчаларидан хабар оладилар. Ана шундай 143 объект текширилди. Натижада 18 ҳолда объект қоровули ўз жойида бўлмаганлиги ёки донг қотиб ухлаб етганлиги аниқланди. Ана шундай ношуд ходимлар устидан тегишли ҳужжатлар тузилди ва қараб чиқиш учун маъмуриятга юборилди. 50 киши махсус тиббий хушёрхонага юборилди, тўрт безори жиноий жавобгарликка тортилди.

Шаҳар иқтисодиётига

ташмачилар катта зарар етказди. “Тун” операцияси давомида ег-мой комбинати, ун, вино ва сут заводлари ва пойабзал фабрикасида майда ўғирлик билан шуғулланган кишилар ушланди. Уларнинг ҳаммаси давлат мол-мулкни ўғирлаганликлари учун жавобгарликка тортилдилар.

Ярим кечада авжига чиқадиган чайқовчиларга ҳам қарши жанг эълон қилинди. Юта ноҳус оила ҳисобга олинди. “Тун” операцияси давомида учта жиноят: мол ўғирлаш, гиёҳванд моддалари сақланганлиги очилди, қидирилатган жиноятчи ушланди.

Шаҳар ИИБ ходимлар — участка нозир милиция лейтенанти Самигжон Сотимов, жиноят қидирувнинг тезкор вакили милиция лейтенанти Гулмираз Ортиқалиев, милиционер-ҳайдовчи милиция сержанти Ҳайдар Эгамқулов ва унинг ҳамкасби милиция кичик сержанти Абдумутал Бугибоев, патруль-пост хизмати взводининг бўлима командири милиция сержанти Гофур Норматов ва уларнинг ўртоқлари аниқ-пухта ишламоқдалар, уларнинг бетиним



меҳнати туфайли Янгийўлда бугунги кунда ҳуқуқ-тартиботни бузишлар миқдори анча камайди.

Бундай тадбир ўз-ўзидан пайдо бўлган ҳодиса эмас. “Тун” операцияси катта самара келтираётгани учун у давом эттирилади.

М.СУЛАЙМОНОВ.

Суратда: бу йигитни шаҳар ИИБ ходимлари ўқотар қурол билан юргани учун ушлаганлар.

Милиция капитани
ОЛИМ олган сурат.

Қайноғанинг қилмиши

Дожа рўиол қурилади...

Эшмурод турмуш ўртоғи ва ўғлини қайноғасиникидан олиб кетмоқчи бўлиб келганда бу кунга тушаман деб сира ўйламаганди. Қайноғаси Абдуҳамид унинг ширакайфлигиданми, ё синглисининг аламинданми куракда турмайдиган сўзлар билан поччасини хуморидан чиққунча сўқди. Почча ҳам отдан тушса-да, эгардан тушмай чапанчасига сўкинаверди. Ўртага қуда тарафларнинг одамлари тушмаганда иккаласи ёқавайрон бўлиши турган гап эди. Эшмурод алами келиб Абдуҳамидга: “Бугун ё сенинг ўлигинг, ё менинг ўлигим” чиқади”, дея қасос ўтида ёнди. Сўнг тепаликдан пастга жигибийрон бўлиб жўнади.

Хуфтон тушиб, атрофга тун қора чодрасини ёйган, қишлоқ итларининг хуриши авжга чиққан палла. Абдуҳамид поччасининг зардасидан хушёр тортиб, чопонига қирқма милтиқни ўраб, мотоциклга уннаб юрганда ховли тарафдан итларнинг хуриши кучайди. Мотоцикл созлашга кўмакка келган Хайрулло ва Жовли Ҳамиднинг аччиқ сўкинганидан жим қолди. Абдуҳамид барибир поччаси бир кори ҳолни бошлашини сезиб, итлар хураётган тарафга йўналди.

Улар бир-бирларини узоқдан танишди. “Мени оиламни тинчлигини қачонгача бузасан, газанда”, — ўшқирди кўзи хунга тўлган Эшмурод. Абдуҳамид муқаддам судланган, жанжалнинг машқини олмаганми, Эшмуроднинг ҳаракатидан кулгиси қистади. Парвосиз қўйнидан қирқма милтиқни қўлига олиб, затворини эркин тортиди. Хайгала бўлиб учи келаётган поччасини мўлжаллаб, тепкини босди.

Ёспирай, одамнинг жони қушниқича эмас

экан. Осмонга тўпдай “сакраб улоқди”! Абдуҳамид-чи, қонга ботган поччаси тепасида ўлжани қўлга киритган калхатдай қулларини ёйиб қулди. “Падарингга лаънат, чумчукча жонинг бор экан-у менга от қуясан. Ҳа, жойинг дўзахда бўлгир!”

Ўқ зарбидан ихраб ётган Эшмурод тепасида бирдан одамлар гавжум бўлишди. тезда машина топишиб, уни касалхонага жўнатишди. Аммо йўлда Эшмурод осонгина жон таслим қилди...

Чироқчи туманининг “Бешчашма” жамоа хўжалигида яшовчи Эшмурод Рўзиевнинг қисмати шундай яқунланди. Унга ўқ узган шу хўжаликда яшовчи Абдуҳамид Тошев эса жиноий жазога тортилди. Суд ҳукми билан ўн йилга кесилди.

Гоҳо ўйлаб қоласан, оддий можаро инсон тақдирини не кўргуликларга солади. Бу ўйиндан қайси томон ютиб чиқди: куёвми, ё қайноға томон? Йўқ, иккиси ҳам ютқазди. Бунга асосий сабаб ҳар иккала оилада ҳам ҳурмат-эътибор ипи салқи тортиган, меҳру муҳаббат йўқолган. Ахир, бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун галва кетмайди, деб бекорга айтмаганлар-да. Бир оила тўзиб қолсаю иккинчи томондаги аёлнинг гарданига бутун бошли рўзгор ташвиши тушса. Ачинасан, аммо фойда йўқ. Иккинчидан уйда совуқ қурулни ноқонуний сақлаш жиноят. У ҳамиша инсонга ажал улашган. Ёмонни асрасанг балога қоласан деб тўғри айтишган. Қурол ҳам ажалдир!



Қизи Қизларгулнинг қудасиникидан қайтиб келгандан бери Абрай бобо тинчлигини йўқотди. Дили хуфтон бўлиб, ичига чироқ тутса ёришмасди. “Қўлларинг узун бўлиб қолибди-да, шошмай тур!...” У разабидан лабини қаттиқ тишлади. Ўғли Сатторни қақриб олдию қудалариникига йўл солди. Қўлида чамасида бир ярим метрлар келадиган темирсоп (арматура), газаб отидан ҳамон тушмай одимларди.

Саттор ҳам отаси ортидан эргашиди. Ҳаял ўтмай қудасининг ҳовлисида пайдо бўлишди.

— Ҳов, Чори, падари қусур, уйдан чиқ! — бақирди Абрай бобо.

Ошхонадан қудаси Чори Тошматов ва унинг турмуш ўртоғи Ойбуви Бобомуродова югуришиб чиқишди.

Қарашса, газабдан чехраси қорайиб кетган Абрай бобо. Унга гап қотмасдан, Чори аканинг пешонасига темир теғди. Кўзи тиниб, ўқ еган арслондай бор бўйига сакраб йиқилди. Отанинг қилиғи боласига юқдими, Саттор ҳам Ойбуви опани бошига бир мушт уриб, “нокаут” қилди. Заиф қичқирикдан уйда нонуста қилиб ўтирган Ўрол ириб ўрнидан турдию ташқарига отилди. Қараса, отаси ҳам онаси ҳам тупроқ билан битта бўлиб ётибди.

Ўрол юғурасолиб қайноғаси ҳузурига чиқди. Қайноға куёвга ҳам кучини кўрсатиб қўймоқчи бўлиб, қўлидаги темирсоп билан уни қувлашга тушди. Ўрол ҳали навқирон эмасми, бурила олиб бир

сапчиш билан қайноғаси қўлидаги темирсопни тортиб олди. Сўнг унинг бошига устма-уст тушириб, нафасини ичига туширди. Газабдан қутурган Ўрол қайноғаси Сатторга хезланиб, уни бир зарб билан ерга қалатди. Ҳушидан кетган қайноғасини қафтининг қичиги қонгунча савалаверди.

Бош мияси чақилган Саттор касалхонага оғир аҳволда келтирилди. Афсуски, шифокорларнинг малҳам-муолажаси унга фойда қилмади. Касалхонада жони узилди.

Тўғриси, Саттор Ғаниев оилавий можаронинг қурбони бўлди. Отаси Абрай Ғаниев газабига ҳай берганда балки бу кўргулик унинг навқирон умрини хазон этмасмиди.

Ўрол Тошматов суд ҳукми билан 10 йил жиноий жазога тортилди.

Ҳеч вақт инсон бургага аччиқ қилиб кўрпа ёқмаслиги керак. Бетайин галвадан ҳеч бир тараф ютмаган. Ёнг аламлиси, соқоли кўкрагига тушган отахонлар ёшларни мурсага қақриш ўрнига ўзлари бош-қош бўлиб “ташаббус”ни қўлга олишдан хижолат чекасан. Турмушда “эру хотин уриши дожа рўмоли қуриши”, деган ибора тез-тез тилга тушиб туради. Дарвоқеа, иситма-жон оғриғи деганларидек ёш оилаларда содир бўлиб турган ўткинчи майда можароларга ўт қўймаслик учун ҳамиша отахон ва онахонларимиз ўзаларининг ширин каломлари билан қалбларга меҳр нурини улашларини истаб қоламиз.

А. ТўРАҚУЛОВ,
Чироқчи туман халқ суди раиси,
Ҳ. ҲАЙДАРОВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси
матбуот гуруҳининг катта нозири, ички
хизмат катта лейтенанти.

ҚОТИЛ УШЛАНДИ

1992 йилнинг 26 ноябрь куни соат йигирма бир яримларда Наманган шаҳрининг Дўстлик районидagi 3 ва 5-кичик туманларини боғловчи кўчадан оғир аҳволда ётган бир киши топилди. Унинг юрагига пичоқ урилган эди. Касалхонага келтирилганига қарамай, ҳаётини кўчада қолганини илҳом бўлмади.

Воқеа содир этилган манзилга чиққан туман прокуратураси ҳамда туман милицияси ходимлари қотилликка даҳлдор, бирор бир ашёвий далил топишолмади. Суриштирув ҳам натижа бермади. Марҳум 1948 йилда туғилган, УНЭСда слесарь бўлиб ишловчи, 3-кичик туманда яшайдиган Иван Антонович Пилленко экан. Унинг таниш-билишлари, ҳамкасблари билан суҳбатлашиб кўрилганда ҳам натижа чиқмади.

Қотилнинг очикда юриши Дўстлик тумани ИИБ жиноят-қидирув бўлинимаси бошлиғи, милиция капитани М.Аҳмедовга тинчлик бермасди.

Шу йилнинг 28 январиди 2-кичик тумандаги хонадонлардан бирида яшовчи Борис Житниковнинг уйдан “Рекорд” рангли телевизор ўғирланди. Уша кунларда шубҳа остида бўлган, Қувасойдаги махсус комендатура ҳисобиди жазони ўтаётган, муқаддам судланган Н.Иззатилла деган йигит шу минтақада юргани аниқланди. Уни ушлаб текширилганда, телевизорни ўғирлагани маълум бўлди. Дўстлик тумани прокуратураси ходими Адҳамжон Қозоқов билан биргаликда олиб борилган терговда И.А.Пилленкони тиги отилиб чиқадиغان пичоқ билан ўлдирган қотил ҳам худди шу йигит эканлиги аниқланди.

Энди қотил жазодан қочиб қутулолмайди.

И.КАРИМОВ,
милиция майори.

ДАЙДИЛАР ҲАМ

Тошкент вилояти ИИБга қарашли 1-қабулловчи-тақсимловчи муассасага асосан пойтахт вилоятининг шаҳар ва туманларида дайдилик ва тиламчилик билан шуғулланадиган, шунингдек ҳар кимларнинг уйда мардикорлик қилиб юрган ва шахсларини аниқловчи ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган кимсалар шаҳар ва туман прокурорлари қарорларига биноан ушланиб келтирилди.

Бу ерда уларнинг шахсларини аниқлаш учун тегишли жойларга сўроқ қозғалари ва телеграммалар жўнатилди ҳамда уларнинг бармоқ излари олиниб, махсус текшириш бўлимларига юборилди.

— Олиб борилаётган бу ишлар ўз самарасини бермоқда, — дейди шу муассасанинг катта тезкор вакили, милиция капитани З. Мирхолиқов. — Масалан, 1993 йилнинг ўтган тўрт ойида 431 нафар дайди келтирилди. Улардан 31 киши ҳар хил жиноий ишлар

қилганлиги маълум бўлди. Яна мисолларга мурожаат қилайлик.

Свердловск вилояти, Ивдел шаҳридаги Н.240 зонасидан қочиб кетган ва қидирувда бўлган фуқаро Раул Янбаев РСФСР ЖМнинг 206-моддаси билан айбланиб, 2 йилга озодликдан маҳрум этилган экан.

ҲАР ХИЛ

Ҳеч қандай ҳужжатлари йўқ дайди сифатида муассасамизга келтирилгандан сўнг ўтказилган текшириш натижасида буларнинг ҳаммаси аниқланиб, махсус соқчи билан ўз зонасига қайтариб юборилди.

1974 йилда туғилган фуқаро А. Хирев Зангиота туманидан дайдиликда гумон қилиниб келтирилди. Ўтказилган текширишлардан сўнг у ҳам махсус соқчи орқали Екатеринбург гарнизони ҳарбий прокуратурасига жўнатилди.

Келтирилаётган дайдилар орасида ҳатто ажнабий мамлакатлардан келиб қолган

Б ЎЛАДИ

шахслар ҳам аниқланмоқда. Оққўрғон тумани ИИБ ходимлари қўлга олган дайди, 1956 йилда туғилган Пи Дин Хо КХДР фуқароси бўлиб чиқди ва у тегишли идорага топширилди.

Дайди сифатида ушлаб келинган ва ўзини А. Муҳамедшин деб таништирган кимса Комил Ильясов бўлиб чиқди. У талончилик қилганлиги учун Красногорск қўрғони ИИБ томонидан қидирилаётганлиги аниқланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Агар дайдилар орасидан жиноятчилар аниқланса, юқоридагидек тегишли жойларга жўнатилади. Қолганларига эса, лозим бўлса паспорт ва ишга йўлланма берилди.

А. ЮСУПЖОНОВ,
Тошкент вилояти ИИБ ШТХХ бўлими
бошлигининг ўринбосари,
милиция майори.

ИШҚИБОЗ

Сергей сураткашликка ишқи тушган йигитлардан эди. Биламизки, бугунги кунда ишқибозлик ҳам жуда қиммат туради ва унинг этагини қанчалик маҳкам тутманг, миллионернинг ўғли бўлмасангиз узоққа кетиш қийин. Биз айтмоқчи бўлган йигит, эндигина йигирма ёшга кираётгани, муаммони жуда чуқур ўйламаслиги сабабли ҳам масаланинг ечимини ўз билганича топди: яна бир ишқибозникни “супуриб” келади, тамом-вассалом.

И. Маскаленко ўша куни уйда йўқ эди. Ишга кетгандир-да, ўтирмайдику уйда кўппа-кундузи ўғри ана келиб қолар, мана келиб қолар деб... “Дайилик учун юз грамм” отиб олган Сергей деразани синдириб (бу билан уй эгасига 300 рубль зарар келтирганини айтиш жоиз), ичкарига кирди. “Кўрдингми текин, уравер секин”, — мақолига амал қилган ҳолда қўлига илашган нарсанинг барчасини сумкасига (сумка ҳам ўзининг эмаслигини эслаш лозим) тикаверди. Ишқибозлиги бор эмасми, қўли кўпроқ фотоаппарату шунга ўхшаш ашқол-дашқолларга қараб чопаверди. Аммо бошқа нарсаларни ҳам менсимай ўтган эмас: иккита қайчи, пичоқ, чанқаганда ичиш учун бир банка шарбат ҳам сумкага келиб тушди. Хуллас, умумий нархи 64250 сўмлик нарсалар сумкага жойланди ва қадрдон буйиникига элтиб қўйилди. Бироқ ишқибознинг тезгинада чув ичқиди ва иштироғи охирида Бўстонлик туман ИИБ терговчиси Б. Хайрулин олиб борган терговда у барча гуноҳларини бўйнига олди.

Музаффар Тўйчиев.

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

Қирғулидаги “Ўзнефтепереработка” концерни соқчилик бўлимида хизмат қилувчилар Тўлқин Каримов ва Исмоилжон Умаровлар ушбу объектда бирга навбатчилик қилаётган вақтда ўз вазифаларини қандай бажаришди денг?

Жиноий тил бириктирган бу икки ўртоқ ишониб топширилган жойдан шу йилнинг 18 апрель куни М-412 маркади 44-92 ФЕБ давлат белгилли машинада олтига 20 литрлик канистра ва битта 100 литрлик бочкани бензинга тўлдиришиб, тонгга яқин соат бешлар атрофида

объектдан чиқиб кетишга вақтда Қирғули тумани ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Улар жами 180 литрлик бензинни олиб чиқиб кетаётган эдилар.

Оқибати нима бўлди дерсиз? Тўлқин Каримов 2 йилга шартли равишда озодликдан маҳрум этилган бўлса, Исмоил Умаров 2 йил муддат билан ахлоқ тузатиш ишига “кесилди”.

С. МИРЗАЕВ,
Қирғули тумани ИИБ ходими,
милиция капитани.

ХОТИРА ТУРНИРИ

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАРНИ ЁДЛАБ...

Карнай-сурнай садоари Бағдод тумани марказидаги ўйингоҳда бўлиб ўтайдиган хотира беллашувидан далолат берарди.

Ўйингоҳга тўпланган спортнинг волейбол тури мухлислари ва мусобақа қатнашчиларининг юзларида қувонч порлайди. Чунки хотира мусобақаси анъанавий тус олди. Ўтган йил май ойида бу мусобақанинг ilk турнири бўлиб ўтган эди. Мана энди ушбу мусобақанинг иккинчи турнирига ҳам старт берилдиган бўлди.

Халқ оёйишталигини сақлашдек олижаноб ишга ўзининг бутун онгли ҳаётини бағишлаган инсон, марҳум, Бағдод тумани ИИБ собиқ бошлиғи, милиция подполковниги Мунавваржон Саминжонов хотирасига бағишланган ушбу турнирда шаҳар ва туманлардан келган 14 та команда иштирок этипти.

Аввало М.Саминжонов ҳақида бир оғиз сўз.

У 1970 йилдан ички ишлар идораларида фаолият кўрсатиб, умрининг охири дақиқаларигача халқ оёйишталиги йўлида астойдил хизмат қилди. Бувайда, Учкўприк туманларида турли лавозимларда фаолият кўрсатди. Сўнг Бувайда ва Бағдод тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида ишлади.

Турнирни Бағдод тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Абдусаматов очиб, М.Саминжонов ҳақида дил сўзларини баён этди ва мусобақа қатнашчиларига омад тилади.

Фаргона вилояти ИИБси шахсий тизимини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Мухамматрасул Кимсанбоев сўз олиб, кейинги йилларда тинчлик посбонлари номлари абадийлаштирилиб, улар номига кўчалар, мактаблар қўйилаётганини таъкидлади.

Вилоятимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида 30 дан ортиқ кўча ва мактаблар милиция ходимлари номи билан аталмоқда. Бу халқ посбонларига бўлган катта эътибордир.

Мусобақа ҳомийлари — Бағдод

нон комбинати, Чуринди ва Бағдод матлубот жамиятлари вакиллари тайёрлаган совринларнинг умумий баҳоси 150 минг сўмдан ошди.

Мусобақа ҳакамнинг хуштаги чалиниб, майдонга Бағдод тумани ИИБ ва М.Саминжонов униб ўсган қишлоқ йигитларидан иборат волейболчи жамоалар тушишди. Улар турнирга яхши тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишди.

Чиройли ўйинлари билан ишқибозлар олқишига сазовар бўлган Бағдод тумани ИИБ жамоаси голиб чиқди. Кўк-2 ва Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи волейбол командалари беллашувидан эса Кўк-2 жамоаси голиб чиқди.

Турнирнинг иккинчи куни совринли ўринлар учун кураш қизгин тус олди. Биринчи ўринни Бағдод, иккинчи ўринни Охунбобоев тумани, Маргилон шаҳар жамоаси эса учинчи ўринни эгаллашди.

Турнир голиби Бағдод жамоаси сафида сўнгги дақиқаларда Тошлок тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори Абдулаҳад Саримсоқов майдонга тушди. Ўтган йили А.Саримсоқовнинг саъй-ҳаракатлари билан ушбу мусобақа йўлга қўйилган эди.

Бағдод жамоасидан С.Йўлдошев турнирнинг энг моҳир ҳужумчиси деб топилди. Т.Мелиев, Г.Зокиров, Қ.Аҳмедов, М.Жумабобоевлар моҳир ўйинчилар сафидан ўрин олишди.

Саминжон ҚОРАБОВЕВ,
Фаргона вилояти ИИБ матбуот
гuruhи катта назир, милиция
лейтенанти.

Ҳўкизни ўғирлашди


Номаълум шахслар Учкўргон тумани, Улугбек номи жамоа хўжалиги дэласидан хўжалик ишчиси Отахоновга тегишли хўкизни ўғирлаб кетдилар. Ички ишлар ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли хўкиз ҳам, хўкизтабиат ўғри ҳам топилди.

Ўғри — Учкўргон таъмирлаш заводининг ишчиси А.га хўкизнинг шохи ҳам тегмади. Лекин жазо олиши аниқ.

И. КАРИМОВ,
милиция майори.

Қ И Д И Р И Л М О Қ Д А


Самарқанд вилояти, Каттақўргон тумани ички ишлар бўлими томонидан қуйидаги жиноятчилар қидирилмоқда:



Кувондик Нурмаҳматович Ҳасанов. 1970 йилда Каттақўргон тумани, "Пахтакор" жамоа хўжалигидаги Ёдгорхўжа қишлоғида туғилган ва яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 125-моддаси, 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган.



Алишер Тешаевич Аминов. 1975 йилда туғилган. Каттақўргон тумани, "Қорадарё" жамоа хўжалигидаги Исқа қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 125-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган.



Тоҳир Тошпўлатович Асатов. 1974 йилда туғилган. Каттақўргон тумани, "Қорадарё" жамоа хўжалигидаги Яккабўр қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 125-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Ушбу жиноятчилар ҳақида бирон бир маълумотга эга фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига га хабар беришларини сўраймиз.

Самарқанд вилояти, Каттақўргон тумани ички ишлар бўлими томонидан қуйидаги бедарак йўқолганлар қидирилмоқда:



Гўзал Аҳмадовна Ўраёва. 1986 йилда Каттақўргон тумани, М.Султонов номи жамоа хўжалигидаги Лайлак қишлоғида туғилган. У 1991 йилнинг 17 апрель куни Каттақўргон шаҳар автовокзалида йўқолиб қолган.

Белгилари: бўйи тахминан 100-110 см., сочи қора ва калта, лабининг чап томони, тепа қисмида холи бор.

Уст-боши: ўша куни эғнида миллий атлас қўйлақча, жигарранг жемпер, оғида жигарранг туф-личаси бўлган.

Уларнинг кейинги тақдирдан огоҳ бўлганларни бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Комилжон Октябровиҷ Насруллаев. 1969 йилда Каттақўргон туманида туғилган. Пайшанба қўргони, Маданият кўчаси, 41-уйда яшаган. 143-қурилиш ташкилотидан ишлаган. У 1991 йилнинг 3 июнь куни Каттақўргон туман марказий шифохонасида даволанаётган пайти чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 170-175 см. атрофида, қорачадан келган, сочи калта ва орқага таралган, кўзлари қора.

Уст-боши: ўша куни эғнида "Монтана" езуви, кўк рангли куртка, оқ рангли қўйлақ, қора рангли шим, оғида жигарранг кроссовка бўлган.

Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан 1975 йилда



Жиззах вилоятининг "Бахмал" давлат хўжалигида туғилган **Ойниса Мирзаевна Мусурмонкулова** қидирилмоқда.

Андижон вилояти, Қорасув шаҳрига даволаниш учун келган О. Мусурмонкулова шу йилнинг 23 май куни бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 160 см., ўртача қоматли, сочи малларанг, 35 см. узун-лика, кўзлари қора.

Уст-боши: бошида капрондан тикланган рўмол, эғнида қизил рангли энги калта ипак қўйлақ, оғида қора шиппаги бўлган.

Асосий белгиси: рухий бетоб. Ойниса-Мусурмонкулованинг кейинги тақдирдан огоҳ бўлганлардан бу ҳақда энг яқин милиция идораларига 02 телефони орқали хабар беришларини сўраймиз.

Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани ички ишлар бўлими томонидан шу туманнинг Охунбобоев номи давлат хўжалигидаги Жонбулоқ қишлоғида туғилган ақа-ука Жамшид ва Искандар Чоршанбиевлар қидирилмоқда.

Улар 1989 йилнинг 12 июль куни номаълум сабабларга кўра бедарак йўқолганлар.

Жамшид Шавкатович Чоршанбиев (чапда). 1985 йил, 8 июнда туғилган. Юзи, сочлари сариқ рангда, чап қўзини қисиб юради.

Искандар Шавкатович Чоршанбиев (ўнгда). 1986 йил, 10 декабрда туғилган. Сочлари, юзи сариқ рангда.

Жамшид ва Искандарнинг кейинги тақдирдан огоҳ бўлганлардан бу ҳақда Ғузор тумани ички ишлар бўлимига ёки энг яқин милиция бўлимига ёхуд 02 рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов бошқармаси жамоаси бошқарма ходими Олимжон Ҳасанович Юнусовга отаси **Ҳасан ЮНУСОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эътибор қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 448, 34.859 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табақ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.
Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Наврўз кўчаси, 1.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаачилик концерни.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.